ҒЎЗАНИНГ РИВОЖЛАНИШИДАГИ ҚОЛОҚЛИКНИ ТЕЗДА ТУГАТИШ — ШУ КУННИНГ ЭНГ МУҲИМ ВА ЖАНГОВАР ВАЗИФАСИ

Ёз чилласи кирди ✽ Бу даврда экин кеча-кундуз амал олади ✽ Ғўзани нуқул икки томонлама ишланг ✽ Иссиқ кунда бир туп ҳам ғўзани чанқатиб қўйманг ✽ Ўсимликни ўғитга тўйдиринг!

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

45-ЙИЛ ЧИҚИШИ № 148 (12.501) | Чоршанба, 26 июнь 1963 йил | Баҳоси 2 тийин.



Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Ленинизм» колхозининг универсалчиси Тошпўлат Норматов ғўзани учинчи марта культивация қилиш билан бир маҳалда уни озиқлантиряпти. У берилган топшириқни ҳамиша ортиғи билан бажаряпти. Бригада аъзолари 122 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 32 центнердан ҳосил кўтариш мажбуриятини олишган. Ёз чилласи кирган шу кунларда бригада пахтакорлари ғўзани меҳр-муҳаббат билан парвариш қилмоқдалар.

И. Глауберзон фотоси.

90 ПРОЦЕНТ ҲОСИЛНИ МАШИНАДА ТЕРАМИЗ

Бригадамиз аъзолари пахтачилик учун анча оғир келган 1962 йилда 436 тонна ҳосил топшириб, давлат планини ошириб бажардилар. Ҳосилнинг 410 тоннаси қоп-қанорсиз ташилди. Бу — пахта таннархини кескин камайтиришга, колхозчиларнинг кўпроқ ҳақ олишига олиб келди. Ўтган йилги мавсумда мен ўзим «ХВС-1,2» билан 306 тонна пахта тердим.

Биз ана шу ютуқларни янада мустаҳкамлаш учун курашяпмиз. Бригадамиз қошида илғор тажриба мактаби очилган. Унда 25 киши пахта етиштиришдаги илғор тажрибаларни ўрганди. Колхозимизда Тўхтамурод Тўланов, Умар Ҳайдаров, Нурали Умрбоев, Ражабали Раҳимқулов, Умарали Отажоновлар бошлик комплекс механизациялашган бригадалар тузилди. Уларнинг ҳаммаси бизнинг бригадамизда ташкил этилган мактабда ўқишган. Бу бригадаларга 100 гектардан ер биркитилди.

Бу бригадаларда ғўза барвақт ягана қилинган, ҳозир қатор оралари учинчи марта культивация қилинмоқда, ғўза озиқлантирилмоқда. Бизнинг бригадамиздаги ғўзалар эса гулга кирди.

Шуни айтиш керакки, машина терининг муваффақияти ҳозирги ишимизга боғлиқ. Ғўзани машинабоп қилиб ўстирмай, баргини сифатли тўктирмай туриб, пахта териш машинасидан унумли фойдаланиш кийин. Менингча механик-ҳайдовчининг ўзи пахтачилик бригадасига бошчилик қилиши кўп жиҳатдан яхши натижа беради. Буни бизнинг бригада иши мисолида аниқ кўриш мумкин.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети Сирдарё ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Ленинград» колхози пахтакорларининг 1963 йил ҳосилини машинада теришга тайёргарлик кўриш тўғрисидаги ташаббусини маъқуллади. Биз механик-ҳайдовчилар сирдарёликлар ташаббуси асосида ўз агрегатларимизни ҳозирданоқ ремонтдан чиқаришга, запас қисмларни тайёрлаб қўйишга алоҳида аҳамият бермоғимиз зарур. Пахтаси машинада териладиган ерларда ғўзани алоҳида парвариш қилиш зарур.

Бригадамизда уч универсалчи бор. Механизаторларимиз ўзларига ажратиб берилган майдонларга ўзлари чигит экдилар, уни парвариш қилаётирлар, шу майдонлардаги ҳосилни ҳам ўзлари терадилар.

Ўтган йили бригадамизда бир центнер пахта етиштиришга 12 сўм 60 тийин сарфланди. Бу йил ҳосил таннархини янада камайтириш учун курашмоқдамиз. Бунга эришиш учун механизациядан унумли фойдаланаётирмиз.

Колхозимиз бўйича бу йил 5300 тонна «ок олтин» етиштирилиб, унинг 830 тоннаси машинада териб олинади. Шу мақсадда 515 гектар ердаги ғўза машинабоп қилиб ўстирилмоқда. Бизнинг бригадамизда эса етиштирилган пахтанинг 90 проценти машинада териб олинади.

Бошқармамиз механизаторлари колхозчилар билан ҳамкорликда ишлаб, бу йил мамлакатга 70 минг тонна «ок олтин» етказиб берадилар ва 10 минг 100 тонна ҳосилни машинада териш юзасидан олган мажбуриятларини тўла бажарадилар.

М. ДАДАЖОНОВ.

Марҳамат ишлаб чиқариш бошқармасидаги Ильич номли колхознинг комплекс механизациялашган бригадаси бошлиғи.

БУГУН ЧИМҚЎРҒОНДА

ҚАМАШИ. (**«Қизил Ўзбекистон» мухбири**). Кишиларнинг қаҳрамонона меҳнати билан чўл бағрида барпо этилган сунъий денгиз — Чимқўрғон сув омборида тўпланаётган сувнинг ҳажми кундан-кунга кўпаймоқда. Шу кунларда Қашқадарёдан секундига 60 кубометр сув оқиб келяпти. Чимқўрғон сув омборида тўпланган об-ҳаётнинг миқдори 400 миллион кубометрдан ошиб кетди.

Бу йил Чимқўрғон суви билан Қарши ва Косон ишлаб чиқариш бошқармаларидаги хўжаликларнинг пахтазорлари, бедазорлари, сабзавот ва полиз экинлари, боғлари қондириб суғорилади, чорва моллари ва яйловлар сувга сероб қилинади.

Чимқўрғон сув омборининг сатхини кўз илғамайди. Қорли тоғлар уни етарли сув билан таъминлаб турибди, сахий осмон ўзининг кўкимтир рангини аямай сунъий денгизга тўкаётгандай, жавзонинг иссиқ шамоли жимжимадор сув тўлқинларини қирғоққа ҳайдайди.

А. ХАЛИЛОВ.

БУТУН КУЧ — ҒЎЗА ПАРВАРИШИГА!

КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми қарорлари, самовий қаҳрамонлар Валентина Терешкова ва Валерий Биковскийларнинг биргаликдаги муваффақиятли парвозлари совет кишиларини янгидан-янги меҳнат зафарларига руҳлантириб юборди. Бу кунлар зафари унутилмас ва улуғвордир. Мамлакатимиз меҳнаткашлари космосдаги буюк ғалабаларимизга янада зўр бериб ишлаш, ижод қилиш, янгиликлар яратиш, Ватанимиз куч ва қудратини ошириш билан жавоб бердилар.

Фабрика ва заводларда, колхоз ва совхоз далаларида, коммунистик қурилишнинг барча соҳаларида миллионларнинг ижодий илҳомбахш меҳнати, ватанпарварлик ташаббуслари янада қудрат билан мавж урди. Бутун куч ва эътибор ленинчи партиямиз Марказий Комитети томонидан олдимизга қўйилган буюк вазифаларни, етти йиллик топшириқларини ошиғи билан бажаришга, коммунизмнинг моддий-техника базасини тезроқ барпо этиш ва коммунистик мўл-кўлчиликни таъминлашга қаратилди.

Республикамиз меҳнаткашлари олдида ғоят муҳим сиёсий ва хўжалик вазифалари турибди. Пахтакорларимиз бу йил она-Ватанга 3 миллион 566 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш мажбуриятини олдилар. Бу юксак ва шарафли вазифани тўла адо этиш республикамиздаги барча меҳнаткашларнинг Ватан олдидаги, партия ва ҳукуматимиз олдидаги шарафли ва юксак бурчидир. Пахта — мамлакатимизнинг бойлигидир. Пахта — дўстлигимизнинг моддий ифодасидир. Пахта — бизнинг ҳаётимиз, бизнинг ифтиҳоримиздир. Ўзбекистон коммунистлари, барча меҳнаткашлари худди шундай деб биладилар. Шунинг учун ҳам улар йилнинг оғир келганига, талайгина майдонларда чигит икки ва уч марта қайтадан экилганлигига қарамай, табиий офатларни писанд қилмай, «оқ олтин» етиштиришни кескин суратда кўпайтириш учун ҳамма чораларни кўрмоқдалар. Илғор хўжаликлар бутун куч ва воситаларни зарар кўрган майдонлардаги ғўзаларни тезда тиклаб олишга қаратдилар. Олимлар, қишлоқ хўжалиги мутахассислари ва тажрибакорлар ўзаро маслаҳатлашиб, бу йилги шароитда ишни қандай ташкил этиш ва ҳамма ерда ғўзанинг бир текис ривожланиши учун нималар қилиш кераклигини белгилаб олмоқдалар.

Самарқанд область. Иштихон ишлаб чиқариш бошқармасидаги колхозчилар, механизаторлар, мутахассисларнинг ғўзанинг ривожланишдан кейинда колишини тугатиш юзасидан белгилаган тадбирлари бу жиҳатдан алоҳида аҳамиятга эгадир. Улар ғўзанинг ўсиши ва ривожланиши, ҳосил тўплаш даврида қатор ораларини бултурги тўрт бор ўрнига ўрта ҳисобда 5,5 марта ишлаш, июнь ойида 1,8 марта, июль ойида 2,2 марта, август ойида 1,5 марта ишлашга қарор қилдилар. Ўтган йили ғўза парвариши даврида 548 та чопиқ тракторидан фойдаланилган бўлса, бу йил 700 та агрегатдан ташқари 591 та от культиваторидан ҳам фойдаланилади.

Иштихонлик пахтакорлар ҳосилнинг тақдири кўп жиҳатдан ғўзанинг озиқлантирилишига боғлиқ эканлигини яхши гўшунганликлари учун ҳам, улар минерал ўғитдан ташқари қўшимча равишда 8 минг тонна маҳаллий ўғит чиқариб, экинни озиқлантирадилар. Бу ўғитнинг кўп қисми ғўза ривожланишдан орқада қолаётган далаларга солинади. Ҳар бир туп экинни тўла саклаб қолиш, бегона ўтнинг ўсишига йўл қўймаслик, қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши кураш бу ерда ҳар бир сувчи, механизатор, колхозчи ва хўжалик раҳбарининг кундалик муҳим вазифаси ҳисобланади.

Иштихонликларнинг бу тадбирлари пахта етиштиришни кўпайтиришда, олинган социалистик мажбуриятларни бажариш учун курашда ғоят катта аҳамиятга эгадир. Шу кунларда ҳамма ерда, ҳар бир колхоз, совхоз, бригада ва звенода ана шундай амалий тадбирлар кўрилиши, барча кучларни, техника ва воситаларни, деҳқонларимизнинг, қишлоқ хўжалик олимлари ва мутахассисларининг асосий диққатини ғўзаларнинг ривожланишидаги қолоқликни тугатишга ва ҳамма ерда мўл ҳосил етиштирилишига қаратишимиз керак.

Ёз чилласи кирди. Ҳозир ғўза кечаю кундуз амал оладиган пайт. Илғор хўжаликлар ғўзаларини ёппасига шоналатиб ва гулга киритиб олдилар. Жиззах ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Москва» колхозининг илғор бригадаларида яхши парвариш қилинган ғўзаларда тугунчалар, кўсаклар кўзга ташланмоқда. Бироқ, бу йилги ноқулай об-ҳаво шароитида ишни яхши уюштира олмаган, қийинчиликларни енгиш учун амалий тадбирлар кўрмаётган хўжаликлар, бошқармалар ҳам бор. Бу хўжалик ва бошқармаларнинг раҳбарлари эскича усулда ишлаб, мажлисбозлик, кўрсатмалар бериш, маълумотлар тўплаш билангина чегараланиб қолмоқдалар. Фарғона область. Олтиарик ишлаб чиқариш бошқармасидаги хўжаликлар йил бошида катта ваъдалар берган эдилар. Лекин бу ваъдалар амалий иш билан мустаҳкамланмаётир. Бунинг натижасида ғўза парвариши барбод этилмоқда. Жданов номли колхозда ишга яроқли кишиларнинг кўпчилиги ғўза парваришида қатнашмайди. Олтинчи бригадада 46 колхозчи ўрнига 28 киши далада ишламоқда. Бу ерда ғўзаларни иккинчи марта парвариш қилишга киришилган эмас. Асосий майдонлардаги ғўза нимжон бўлиб, бегона ўт ичида қисилиб ётибди. «Ленинобод» Охунбобоев номли, «Ленинизм», Энгельс номли, «Комсомол», Куйбишев номли колхозлар ва «Риштон» совхозида ҳам культивация, озиқлантириш ва суғоришнинг сифатига эътибор қилинмаётир. Бошқарма раҳбарлари (бошлиғи С. Холдоров, партия комитетининг секретари Т. Охунов, район ижроия комитетининг раиси А. Хамроалиев ўртоқлар) эса ғўза парваришини кучайтириш, бутун кучни бу ишга сафарбар этиш ўрнига мажлисбозликдан бўшамаётирлар. Бундай аҳволни Чимбой ишлаб чиқариш бошқармасидаги хўжаликларда ҳам кўриш мумкин. Бу ердаги «Октябрь 40 йиллиги» совхозининг кўпгина бригадаларида ҳали ғўзанинг биринчи парвариши тугалланмаган, озиқлантириш кечиктириб юборилмоқда, ғўза чанқатиб қўйилмоқда, кўп ердаги экинни ўт босган, далада меҳнат қилаётган кишиларга маданий-маиший ва оммавий-сиёсий хизмат кўрсатилмаётир.

Шу кунларда бошқармалар, областлар ва республикалар ўртасида ўзаро текшириш бригадалари иш бошлади. Улар 1963 йилда қишлоқ хўжалиги, чорвачилик маҳсулотлари, айниқса муҳим хом ашё — пахта етиштиришни кўпайтириш юзасидан олинган социалистик мажбуриятларнинг қандай бажарилаётганлигини текширмоқдалар. Пахтакорларимиз ҳаётида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ўртоқларча ёрдам традициясига айланиб кетган бу ишни шундай ташкил этиш керакки, ўзаро текширишлар ҳар бир хўжаликнинг ўз олдидаги вазифаларини шараф билан бажаришга, мамлакатга кўпроқ пахта етказиб беришга хизмат қилсин.

12 июлда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг навбатдаги VIII пленуми чақирилади. Пленум КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг якунлари ва идеология ишини кучайтириш юзасидан Ўзбекистон партия ташкилотининг вазифалари ҳақидаги масалани ва республика пахтакорлари социалистик мажбуриятларини қандай бажараётганлигини ўзаро текшириш якунлари ҳамда ғўза парваришини кучайтириш юзасидан Ўзбекистон партия ташкилотининг вазифалари тўғрисидаги масалани муҳокама қилади. Пленумни муносиб кутиб олиш, айниқса ғўза парваришини кучайтириб, олинган социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлайдиган даражада ҳосил етиштириш, республикамиз партия ташкилотлари ва барча меҳнаткашларининг жанговар вазифасидир.

Ҳосил учун курашда ҳал қилувчи кунларда турибмиз. Шу кунларда эгатлардан ўтган ҳар бир трактор, катор ораларидан оқкан томчи сув, ғўза тагига солинган ҳар бир грамм ўғит ҳосилга ҳосил қўшади, ғўзаларни гуркиратиб ўстиради. Культивация, озиқлантириш, суғоришни бир-бири билан маҳкам боғлаб олиб борайлик. Ишга яроқли барча кишиларни, техника ва воситаларни дала ишларига сафарбар этайлик.

Бутун куч ғўза парваришига!

ЎТ БОСГАН ҒЎЗАЛАР

Баҳор ноқулай келди. Лекин шунга қарамай Чимбой ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Октябрь 40 йиллиги» совхозининг кўпгина бригадаларида мардона меҳнат туфайли қийинчиликлар енгилди. Масалан, Пиримбой Нурмонов бошлиқ бригадада гектарларнинг тўла бўлиши таъминланган, ғўза бир текис ривожланмоқда. Бригада пахтакорлари 182 гектар майдоннинг ҳар гектаридан камида 30 центнердан ҳосил кўтариш учун курашмоқдалар. Есемурод Хидирбоев, Емберган Тангриберганов сингари моҳир механизаторларнинг ҳар бири кунига 9-10 гектар майдондаги ғўзани культивация қилмоқда.

Афсуски, барча бригадаларда иш шундай эмас. Есенбой Жахсимуродов раҳбарлик қилаётган 9-бўлимда ҳали ғўзанинг биринчи парвариши тугалланмаган. Озиқлантириш кечиктириб юборилмоқда, ғўза чанқатиб қўйилаётир. Бўлимга 8 та трактор ажратилган бўлса ҳам, техниканинг кучидан яхши фойдаланилмаётир. Оқибатда ғўзани ўт босиб кетяпти. А. Қалимбетов, Ў. Тожибоев, М. Боймуродов ўртоқлар бошлиқ бригадаларда 10-15 гектардан майдондаги ғўза бутунлай ўт ичида қолиб кетган.

Шундай аҳволни 10-бўлимда ҳам учратиш мумкин. Меҳнат интизоми бўшаштириб юборилганлиги, техниканинг кучидан ёмон фойдаланилаётганлиги оқибатида Х. Бўронбоев, А. Кулекеев ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ғўза ривожланишдан орқада қоляпти.

Совхоз бултур пахта тайёрлаш планини бажаролмай, давлатдан анча қарздор бўлиб қолди. Бу йил ўтган йилги доғ ювилиши, мамлакатга камида 8160 тонна пахта етказиб берилиши керак. Аммо иш мажбуриятга яраша эмас.

Совхозда 117 та трактор бор бўлса, шундан чопиқда атиги 50-60 таси ишлатиляпти. Меҳнат унуми паст. Яна бир сабаб шуки, далада меҳнат қилаётган кишилар учун қулай маданий-маиший шароит яратиб берилмаган.

Совхоз раҳбарлари — директори А. Жуманов, партия ташкилотининг секретари Т. Сеитмуродов, бош агроном О. Отамуродов, бош инженер Ж. Ережепов ўртоқлар мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланилишини таъминламаяптилар. Натижада кўпчилик майдонлардаги ғўзани ўт босган, бунинг устига экин чанқатиб қўйилмоқда.

Р. ЕШИМБЕТОВ.

«Қизил Ўзбекистон» мухбири.

МЎЛ ҲОСИЛ ТАРАДДУДИ

Бухоро ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли Охунбобоев номли колхоз аъзолари бу йил 1561 гектар майдоннинг ҳар гектаридан камида 26 центнердан ҳосил кўтариб, давлатга 4074 тонна «оқ олтин» етказиб бериш мажбуриятини олганлар. 740 гектар майдонга чигит квадрат-уялаб, 260 гектар майдонга уруғни уяларга аниқ миқдорда ташлаб кетадиган сеялка билан экилди. Колхоз аъзолари ғўзани ёшлигидан яхши парвариш қилиб, барк уриб ўсишини таъминламоқдалар.

Сирдарёликларнинг ташаббусига қўшилган колхоз аъзолари 400 гектар майдондаги ҳосилни машинада теришга аҳд қилдилар. Ҳозир ана шу участкалар аниқ белгиланиб, ғўза машина теримига мослаб парвариш қилинмоқда. Ҳосилнинг ҳаммаси қоп-қанорсиз ташилади. Бунга ҳам ҳозирданоқ пухта тайёргарлик кўриляпти.

Эсонқулов, Нарзиева ва Жумабоев сингари моҳир механизаторларнинг ҳар бири ҳозиргача 650-700 гектар майдондаги ғўзани яхшилаб культивация қилди. Улар экинни машинабоп қилиб, икки томонлама — кўндалангига ва узунасига культивация қилмоқдалар.

Т. ОҚМУРОДОВ.

СОВЕТ ХАЛҚИГА ТАБРИКЛАР

«Восток-5» ва «Восток-6» космик кемаларининг парвози муваффақиятли тугалланганлиги муносабати билан чет эллардаги давлат ва жамоат арбобларидан Н. С. Хрушчев ва Л. И. Брежнев номига табрик телеграммалари ҳали ҳам келиб турибди.

Революцион ҳукумат бош министри майор Фидель Кастро Рус ва Куба Республикаси президенти доктор Освальдо Дортикос Торрадоларнинг Н. С. Хрушчев ва Л. И. Брежнев ўртоқларга юборган телеграммасида бундай дейилади. Совет фани ва техникасининг буюк ютуқларини исботлайдиган янги ва яққол далил — подполковник Валерий Биковский ва юлдузлар сари йўлларни забт этган биринчи космонавт қиз Валентина Терешкова бошқарган «Восток-5» ва «Восток-6» кемаларининг айни бир вақтда орбитага чиқарилганлиги муносабати билан, шунингдек бу илмий жасорат бутун инсоният тараққиёти ишига ҳисса бўлиб қўшилганлигини англаганимиз ҳолда, ҳаммамиз бутун дунё халқларининг қувончига қўшиламиз.

Сизларга энг юксак ҳурматимизни ва қардошларча дўстлик туйғуларимизни яна бир карра изҳор қиламиз.

Табрик телеграммалари Индонезия президенти Сукарнодан, Халқ Демократик Жазоир Республикасининг Министрлар Совети Раиси ва ташқи ишлар министри Аҳмад бин Белладан ҳам олинди. (ТАСС).

ИЛҒОРЛАР ҲУРМАТ ТАХТАСИГА ЁЗИЛАДИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети областларга бериш учун битта, ишлаб чиқариш бошқармаларига бериш учун иккита кўчма Қизил байроқ таъсис этдилар.

Бу кўчма Қизил байроқлар ҳар 10 кунлик якунларига қараб, ғалла ўрим-йиғимида, давлатга дон топширишда ва уруғлик фондини жамғариб қўйишда энг юқори кўрсаткичларга эришган областларга ҳамда ишлаб чиқариш бошқармаларига берилади.

Тошкент, Сирдарё, Самарқанд ва Сурхондарё областларининг партия комитетлари ва ижроия комитетларига колхозларга ҳамда совхозларга юқоридаги шартлар асосида бериш учун кўчма Қизил байроқлар таъсис этиш тавсия қилинди.

Энг яхши механизаторларни, ишчиларни ва колхозчиларни мукофотлаш учун кўчма Қизил байроқ топшириш билан бирга областга 500 сўм, ишлаб чиқариш бошқармасига эса 200 сўм пул берилади.

Республика газеталарида Ҳурмат тахтаси таъсис этилиб, унда давлатга дон сотиш ва уруғлик жамғариб қўйиш планини бажарган областлар ҳамда ишлаб чиқариш бошқармаларининг номи ёзилади.

ҚИЗИЛ БАЙРОҚ СИРДАРЁДА

Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети бошоқли дон ва дон-дуккакли экинларни ўриб-йиғиб олишнинг, давлатга дон топширишнинг бориши ҳақидаги материалларни қараб чиқди. Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи **Сирдарё областига** берилди, (область партия комитетининг секретари ўртоқ **Маҳмудов**, область ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Тасанбоев**, область комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Тоғаев**, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш область бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Руцкий**) бу область 12,1 процент майдондаги бошоқли дон ва дон-дуккакли экинларни ўриб-йиғиб олди, давлатга дон сотиш йиллик планини 10,2 процент бажарди.

Шунингдек, кўчма Қизил байроқ Сирдарё областининг **Жиззах ишлаб чиқариш бошқармасига** берилди (бошқарма бошлиғи ўртоқ **Сатторов**, партия комитетининг секретари ўртоқ **Иброҳимов**, комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Мўминов**) бу бошқарма 17,9 процент майдондаги бошоқли дон ва дон-дуккакли экинларни ўриб-йиғиб олди, дон тайёрлаш давлат планини 13 процент бажарди. Кўчма Қизил байроқ 11,1 процент майдондаги бошоқли дон ва дон-дуккакли экинларни ўриб-йиғиб олган, давлатга дон сотиш йиллик планини 18,4 процент бажарган **Қарши ишлаб чиқариш бошқармаси** (Сурхондарё области)га ҳам берилди, (бошқарма бошлиғи ўртоқ **Грибов**, партия комитетининг секретари ўртоқ **Бузруков**, комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Жўрабоев**).

Бошоқли дон ва дон-дуккакли экинларни ўриб-йиғиб олишда намуна кўрсатиб ишлаётган илғор механизаторларни, совхозларнинг ишчиларини ва колхозчиларни мукофотлаш учун Сирдарё область қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш бошқармасига 500 сўм, Жиззах ва Қарши ишлаб чиқариш бошқармаларига 200 сўмдан пул ажратилди.

Меҳнат зафарлари

РЕСПУБЛИКА ЧОРВАДОРЛАРИНИНГ ҒАЛАБАСИ

Ўзбекистон хўжаликлари КПСС XXII съезди қарорларини муваффақиятли амалга ошириш учун бошланган социалистик мусобақада янги ажойиб ғалабага эришдилар. Улар гўшт тайёрлаш ва давлатга сотиш ярим йиллик планини муддатидан олдин 100,2 процент бажарганликлари ҳақида 24 июнда рапорт бердилар. Тайёрлов пунктларига ўтган йилнинг шу вақтидагига нисбатан 9408 тонна кўп гўшт етказиб берилди. Планни 200,7 процент бажарган Бухоро областининг, планни 108 процент бажарган Самарқанд областининг, планни 104 процент бажарган Хоразм областининг чорвадорлари айниқса юксак кўрсаткичларга эришдилар.

Гўшт тайёрлаш ва давлатга сотиш давом этмоқда. (ЎзТАГ).

ЧОРВА МОЛИ ВА ПАРРАНДА ХАРИД ҚИЛИШ ЯРИМ ЙИЛЛИК ПЛАНИ БАЖАРИЛДИ

Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармасининг хабар беришича, умуман республика бўйича чорва моли ва парранда тайёрлаш ва харид қилиш ярим йиллик давлат плани 25 июнда, муддатидан илгари ва ўтган йилдагидан анча олдин бажарилди.

Ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан тайёрлаш ҳажми қарийб 7 минг тонна ёки 9 процент ошди.

Бухоро, Самарқанд ва Хоразм областларининг чорвадорлари ярим йиллик планни муддатидан илгари бажариб, яхши натижаларга эришдилар.

Тайёрлаш давом этмоқда. (ЎзТАГ).

Ўртоқ Н. С. ХРУШЧЕВнинг ГЕРМАНИЯ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИГА ҚИЛАДИГАН ВИЗИТИГА ДОИР

1963 йил 30 июнда Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Германия Демократик Республикаси Давлат кенгашининг Раиси ўртоқ Вальтер Ульбрихтнинг 70 ёшга тўлиши муносабати билан КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. С. Хрушчев дўстона визит билан Германия Демократик Республикасига боради.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАЙЛИК!

ИШИМИЗДАГИ АСОСИЙ МАСАЛА

Ленинчи партиямиз Марказий Комитетининг июнь Пленумида КПСС Марказий Комитети секретари ўртоқ Л. Ф. Ильичевнинг «Партия идеология ишининг навбатдаги вазифалари» тўғрисида қилган мазмунли ҳамда янги ғояларга бой доклади, доклад юзасидан бўлган қизғин музокараларда айтилган қимматли фикр ва мулоҳазаларнинг жами ҳозирги вақтда идеология ишимизни яхшилашнинг программ ҳужжатларидир.

Пленумда Советлар мамлакатининг 1953 йилдан кейин ўтган ўн йил ичида фан, техника ва халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида эришган муваффақиятлари якунлаб берилган. Бу якунлар, аввало, совет ижтимоий тузумимизнинг, жаҳонда энг илғор идеология бўлган марксизм-ленинизмнинг ғолиб таълимоти туфайли қўлга киритилганлиги қайд қилинди. Экономика соҳасида, сиёсий соҳада эришган муваффақиятларимиз чуқур таҳлил қилиб берилди.

Ҳозирги вақтда устахонамиз коллективи Пленум материалларини зўр эътибор билан ўрганмоқда. Коммунистлар Пленум ҳужжатларини бутун коллектив онгига етказиш учун интилмоқдалар. Партия ташкилотимиз Пленумнинг ғоявий-тарбиявий иш, кишиларни коммунистик руҳда тарбиялаш учун кураш олға қараб қилаётган ҳаракатимизнинг зарур таркибий қисмидир, деган кўрсатмасига амал қилиб, янги кишини тарбиялашга катта эътибор бермоқда. Биз меҳнат ва тарбияни бир-биридан ажратиш мумкин эмас, булар айни бир процесснинг икки томонидир, деган ҳаққоний фикрга асосланиб, ишчиларнинг ижодий ғайратини ошириш, уларни чиниқтириш, илғор тажрибаларни бутун коллектив мулкига айлантириш чораларини кўряпмиз.

Устахонамиз коллективи яқин вақтгача Нукусдаги қолоқ корхоналардан ҳисобланиб келарди. Шуни айтиш кифояки, ўтган йили ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш плани 80 процентга ҳам етмаган эди. Бунинг сабаби коллектив ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларнинг ўз ҳолига ташлаб қўйилганлигида, ишчиларнинг меҳнат активлиги давлат планларини бажаришга қаратилмаганлигида, ижодий фикр эгалари — рационализатор ва ихтирочиларнинг ҳаракатига етарли эътибор берилмаслигида эди. Шунинг натижасида меҳнат интизоми пасайиб кетган эди.

Бу камчиликлар аввало ташкилотчилик ва идеология ишларининг бўш қўйилиши оқибатида келиб чиқди. Бу ҳол ишчиларни, коммунистларни жиддий ўйлантириб қўйди. Улар қолоқликдан чикиш йўлларини излай бошладилар. Ҳар хил фикрлар ўртага ташланди. Бу фикрлар устахона партия ташкилотининг очиқ йиғилишида ҳар томонлама чуқур умумлаштирилиб, аҳволни яхшилаш юзасидан конкрет тадбирлар белгиланди. Жумладан, ишлаб чиқаришнинг ҳал қилувчи участкаларига коммунистлар ўтиб ишлай бошладилар. Ишчиларга маданий-маиший шароитлар яратиб берилди. Ўзаро социалистик мусобақа авж олдирилди.

Буларнинг ҳаммаси тез орада ўз натижаларини берди. Секинаста илғорлар сони орта борди. А. Катранов, Р. Рўзимов, А. Сармин, Х. Юсупов, Е. Черкаев сингари машъалларимиз пайдо бўлди. Улар «Смена нормасини бажармагунча, иш жойидан силжиш йўқ» деган шиорни кўтариб чиқдилар. Кўп ўтмай бу шиор бутун коллектив шиорига айланди. Автомашиналарни ремонт қилиш сифати тубдан яхшиланди. Натижада ойлик планлар ортиғи билан бажариладиган бўлиб қолди. Ҳозир коллектив аъзолари йиллик планни муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани авж олдириб юбордилар.

Пленумда бошланғич партия ташкилотларининг ролига катта эътибор берилди. Партия ташкилоти ҳар бир коллективнинг жонтани эканлиги, шунинг учун ҳам янги кишини тарбиялашда унинг роли беқиёс катта эканлиги алоҳида таъкидланди. Партия ташкилотининг қўлида йиғилишлар, ишлаб чиқариш кенгашлари, пропаганда ва агитация воситалари, ўртоқлик судлари сингари тарбиянинг қудратли воситалари бор. Лекин эътироф қилиш керакки, айрим ҳолларда йиғилишлар расмият учун ўтказилади, кишиларнинг турмуши, хулқ-атворига оид бўлган тарбиявий масалалар четлаб ўтилади.

Келгусида ғоявий-тарбиявий ишдаги ана шу ва бошқа камчиликларни тугатиб, коммунистик идеалларнинг ғалабасини таъминлаш учун курашамиз.

А. ВИЛЬДГРУБЕ,
Нукусдаги авторемонт устахонаси партия ташкилотининг секретари.



— Агитаторлик — шарафли иш, — дейди Тошкент тўқимачилик комбинати 2- йигирув фабрикасининг лекторлар группаси бошлиғи ўртоқ Г. А. Гаврилов. — Шунинг учун ҳам ўртоқ Л. Ф. Ильичев КПСС Марказий Комитети июнь Пленумида қилган докладида «Идеология соҳасида... ҳеч бир нарса пропагандист, лектор ва агитаторнинг юрақдан айтган жонли сўзига тенг келолмайди», деб айтди. Суратда: ўртоқ Гаврилов Пленум материалларини ҳар бир меҳнаткаш онгига етказиш учун агитаторлар нима қилишлари кераклиги ҳақида маслаҳат бермоқда.

С. Натанелов фотоси.

СЎЗЛАРИНИНГ УСТИДАН ЧИҚДИЛАР

Сўз бердингми — устидан чиқ, мажбурият олдингми — бажар! Республика Коммунал хўжалиги министрлиги қарамоғидаги Газ хўжалиги бошқармаси (Узбекгаз) трестлари ва конторалари коллективлари ана шу шиор остида баракали меҳнат қилиб, катта ғалабани қўлга киритдилар. Квартираларни газлаштириш ярим йиллик топшириғи муддатидан илгари адо этилди. Шу йилнинг 5 ойи ичида эса 24,7 минг квартира газлаштирилди.

* * *

Узбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бош бошқармаси (Узглавбит) ишчи-хизматчилари, инженер-техник ходимлари КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми қарорларини амалга ошириш учун курашиб, яхши натижаларга эришмоқдалар. Бош бошқарма коллективи 6 ойлик планни ва олинган социалистик мажбуриятни 24 июнда орттириб бажарди. Улар ой охиригача планга қўшимча равишда бир ярим миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқаришга сўз бердилар.

ЛЕКТОРЛАР СЕМИНАРИ

Қўқон шаҳар партия комитети Сиёсий ва илмий билимлар тарқатувчи жамият шаҳар бўлими билан биргаликда лекторларнинг шонли Коммунистик партиянинг 60 йиллигига бағишланган бир кунлик семинарини ўтказди.

Семинарда Муқимий номли Қўқон Давлат педагогика институтининг ўқитувчиси И. Д. Савельзон «КПСС раҳбарлик ролининг ошиши», тарих фанлари кандидати Ж. Мирсалимов «КПССнинг 60 йиллиги» темаларида доклад қилишди.

Шунингдек, семинар қатнашчилари Фарғона область партия комитетининг лектори Т. А. Ласьконинг халқаро аҳвол ҳақидаги лекциясини ҳам тингладилар.

А. ТОШМАТОВ.

ДАСТЛАБКИ МАШҒУЛОТ

Қарши шаҳар партия комитети ҳамда сиёсий ва илмий билимлар тарқатувчи жамият шаҳар бўлимининг ташаббуси билан лекторлар мактаби очилди. Мактабга 60 га якин тингловчи-лектор жалб этилган. Улар инженер, техник, ўқитувчи, врач ва бошқа касб эгалари ҳамда студентлардир.

Лекторлар мактабида дастлабки машғулот бўлиб ўтди. Унда шаҳар партия комитетининг идеология бўлими ходимлари ва Қарши Давлат педагогика институти марксизм-ленинизм кафедрасининг ўқитувчилари «КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми ва лекция пропагандасининг вазифалари», «Халқаро коммунистик ҳаракат — замонамизнинг энг таъсирчан харакатидир» деган ва бошқа темаларда инструктив доклад қилдилар.

С. САЛОМОВ.



Тахиатош ГРЭСи қурилишининг иккинчи навбати шу йилнинг охирида тугалланади. Бу билан станциянинг қуввати икки марта ортади. Шу кунларда ГРЭС подстанциясининг монтажи бошлаб юборилди. Суратда: подстанция агрегатларини монтаж қилаётган илғор слесарь-электриклардан А. Ким ва В. Тюльков ўртоқлар. Улар агрегатни муддатидан 10 кун олдин фойдаланишга топшириш мажбуриятини оядилар.

В. Сироткин фотоси.

КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ — ЕТТИ ЙИЛЛИКНИНГ ЗАРБДОР УЧАСТКАСИ

БОНГ УРИШ КЕРАК!

ФАРҒОНА АЗОТ ЎҒИТЛАРИ ЗАВОДИ ҚУРИЛИШИДА ИШ СУСТ

<>

Халқимизда: «Оғзи куйган қатиқни ҳам пуфлаб ичар» деган мақол бор. Фарғона азот ўғитлари заводи қурувчиларининг ҳам оғзи бир марта куйган: заводнинг биринчи навбат қурилиши белгиланганидан анча кечикиб, ўтган йили фойдаланишга топширилган эди.

Афсуски, бултурги аччиқ сабоқлардан тегишли хулоса чиқарилмаётир. Завод қурилишидаги ҳозирги аҳвол ғоят ташвишли. Иккинчи навбат қурилиши юзасидан белгиланган тадбирлар қониқарсиз бажарилмоқда. Қурилиш-монтаж ишлари графиги сира тоқат қилиб бўлмас даражада суст адо этилаётир.

НОМИГА ТУЗИЛГАН ГРАФИК

Шундай график ҳам бўлар экан. Бундай график «намуна»си билан танишишга орзуманд бўлганлар Фарғонага боришсин. У ерда М. Панфёров, В. Кардашенко деган раҳбарлар ишлашади. М. Панфёров — 8-трестга қарашли 5-қурилиш бошқармасининг бошлиғи, азот ўғитлари заводи қурилишининг бош пудратчиси, бу ердаги бошқа қурилиш ва монтаж ташкилотлари шу кишининг измида. В. Кардашенко — азот ўғитлари заводи директорининг капитал қурилиш ишлари бўйича ўринбосари, энг муҳими — заказчи. Шу икки кишидан биронтасига учрашганлар «номига тузилган график»нинг босмахонада тайёрланган нусхаси билан таниша олишларига биз кафил. Заводнинг иккинчи навбат қурилишини тезлаштиришга қаратилган график шу кишиларнинг бевосита бошчилигида тузилган.

Графикнинг бори яхши. Лекин у бажарилиши ҳам керак-да! Бажарилмаса, бундай графикдан нима фойда. Шу йил февраль ойида тузилган график амалда дуруст бажарилмаяпти. Заказчидан қурувчи ва монтажчилар норози. У шу кеча-кундузда сувдек зарур бўлиб турган машина-ускуна ва материалларни белгиланган муддатда етказиб бермаётир. Ҳаво тақсимлаш кабинаси, махсус камералар, юқори босимга чидаш берадиган труба ҳамда махсус арматуралар, фланец, трубопроводлар учун пўлат қуйилмалардан тайёрланган деталлар ҳалигача келтирилмаган. 5 та индукцион регуляторнинг биронтасидан дарак йўқ. Уларнинг қачон етказиб берилиши маълум эмас. «4МСШ-6х8» маркали насос бўлмаса, азот кислотаси цехи ишламайди. Монтажчилар «ГИП-10» маркали газоанализаторлардан 8 тасини кутавериб, кўзлари тўрт бўлмоқда. Лекин бу ускуналар ҳозир заводда тайёрланяптими, йўлда келяптими—ҳеч ким билмайди. Булар узун рўйхатда кўрсатилган, ҳали қурилишга етказиб берилмаган машина-ускуналарнинг бир кисми.

Аммиак цехи — зарбдор қурилишнинг муҳим объекти. У график бўйича шу йилнинг тўртинчи кварталида фойдаланишга топширилиши керак. Бироқ юқорида айтилган ускуналар етказиб берилмас экан, аммиак цехини ишга тушириш ҳақидаги гаплар қуруқ ваъда бўлиб қолаверади.

Қурувчи ва монтажчиларнинг самарали ишлаш заказчига боғлиқ. Заказчи ҳамма нарсани, хусусан, машина-ускуналар ва бошқа зарур материалларни қурилиш майдонига белгиланган муддатда етказиб бериши ҳам қарз, ҳам фарз. Амалда шундай бўлмаяпти. Заказчи корхонада янги қувватларнинг ўз вақтида ишга туширилиши учун чинакам ғамхўрлик қилмаётир, жон куйдирмаётир.

Лойиҳа-смета ҳужжатлари ҳам пухта тузилмаган. Бу эса қурилиш-монтаж ишларининг технология қоидалари асосида маълум бир тартиб билан бажарилишига ҳалақит бермоқда. Мазкур заводни лойиҳалаш Москва Давлат Азот саноати институтига топширилган. Бироқ институт юбораётган лойиҳа-смета ҳужжатлари жиддий тузатишларга муҳтож. Лойиҳа бўйича завод базасида механизмларни ремонт қиладиган алоҳида корхона қурилиши кўрсатилган. Смета ҳужжатларида эса 300 минг сўм турадиган бу корхона мутлақо кўзда тутилмаган.

Машина-ускуналар ва лойиҳа-смета ҳужжатлар билан таъминлашдаги бундай чатоқликлар улкан химия корхонаси қурилиши суръатига жиддий путур етказмоқда.

БОШ ПУДРАТЧИ АЙБСИЗ ЭМАС

Бош пудратчи — 5-қурилиш бошқармасининг бошлиғи М. Панфёров заводнинг иккинчи навбат қурилишидаги ишлар қониқарсиз бажарилишига фақат заказчи айбдор, деб кўрсатишга уринди. Қурилиш-монтаж ишлари олиб борилаётган участкаларда бўлган, қурувчилар билан дилкаш суҳбат қилган, пудратчиларнинг иш кўрсаткичлари билан танишган киши бош пудратчи ҳам «оппоқ» эмаслигига каноат ҳосил қилади.

Бош пудратчи (ўртоқ Панфёров) ҳамма айбни заказчига тўнкаб, ўз ишидаги хато-камчиликларни кўрмаяпти. Кад кўтараётган аммиак цехи — корхонанинг юраги. Шунга қарамасдан, бу цех қурилиши жуда секин бормоқда. Иш бир сменада ташкил этилган. Пудратчи ташкилотлар иши устидан контроллик йўқ. Натижада улар графикни бажармаяпти. Масалан, «Ювмонтажавтоматика» участкаси (бошлиғи А. Шапошников) бу цехда эндигина 32,4 процент, 557-УНР (бошлиғи А. Шпелев) эса бор-йўғи 11,4 процент иш бажарган. Қурилиш-монтаж ишлари йиллик планини беш ой ичида фақат 13,8 процент бажарган 336-УНР, 36,4 процент адо этган 9-ихтисослаштирилган бошқарма раҳбарларига «қойил» бўлишдан бўлак иложимиз қанча.

Ҳаво тақсимлаш цехи, регенерация бўлими, дегазация установкаси, насос станциясидаги ишлар ҳам ўлда-жўлда. Мой омборини май ойидаёқ фойдаланишга топшириш учун ҳамма имкониятлар бор эди. Қурувчилар кам ажратилганлиги, иш сифатсиз бажарилаётганлигидан омбор қурилишининг поёни кўринмаяпти. Дегазация установкаси қурилишида эса фақат икки киши қимирлаб турибди. Насос станциясини аллақачон ишга тушириш мумкин эди. Бу ерда ҳам етарли даражада ишчи кучи ажратилмаган.

Бу йил фойдаланишга топширилиши планлаштирилган объектлардаги аҳвол ана шундай. Бош пудратчи қурилишда ишни ҳозирги талаблар даражасида ташкил этишнинг уддасидан чиқолмаётир. Пойдевор тиклаш, машина-ускуналарни ўрнатиш, биноларни пардозлаш— корхона қурилишидаги ҳамма ишлар бир-биридан тиғиз. Бу ишларни бажарувчи турли касб эгалари — пудратчи ташкилотлар ишини тўғри ташкил этиш, мувофиқлаштириб бориш бош пудратчининг асосий бурчи. Лекин у ўз бурчини адо этмаётир.

Бош пудратчи ўз қарамоғидаги ташкилотларнинг командири, байроқдори бўлиши керак. Амалда эса илғорлар тажрибаси оммалаштирилмаётир, ташаббус кўрсатилмаяпти. Ҳаммадан ачинарлиси — бош пудратчи сусткашлик қилмоқда, социалистик мусобақанинг ташкилотчиси бўлиш ўрнига, бу ҳаракатнинг деярли охирида бормоқда. 5-бошқарма беш ой мобайнида қурилиш ишлари йиллик планини 32,2 процент бажарди. Ахир, йилнинг ярми ўтиб кетдику! Шуми бош пудратчининг бошқаларга ўрнак кўрсатгани. Пудратчилар бунинг нимасидан намуна олишади?!

ЁРДАМ КЕРАК, ЁРДАМ!

Умуман заводда қурилиш ишлари графикдагидан бир ой орқада қолмоқда. Бунинг сабаблари бор, албатта. Аввало ишнинг ҳамма объектларда икки сменада ташкил этилмаётганлигини айтиб ўтиш керак. Қурилиш-монтаж ишлари авж олдириб юборилмагани, ишчи кучларидан рационал фойдаланилмаётгани оқибатида айрим участкалардаги ишлар чала-чулпа қолдирилмоқда. Ишчи кучларини бир объект битмасдан, иккинчи объект қурилишига жалб этиш ҳоллари рўй бермоқда.

Корхона темир йўл тармоғи график бўйича март ойида фойдаланишга топширилиши керак эди. Бироқ ҳозир ҳам у битказилгани йўқ. Цехлараро технология коммуникацияси қурилишида 2-монтаж бошқармаси трубопроводларни ўз вақтида тайёрлаб бермади. Натижада изоляциялашга келганда иш тўхтаб қолди. Газгольдерлар ўрнатиш учун ҳам жуда кам ишчи кучи ажратилган. Контроль-ўлчов приборлари ва химия лабораторияси қурилишида ҳамма нарса тахт, лекин монтаж ишларига жуда кам киши жалб этилган.

Рақамлар — кишилар ва улар уюшган ташкилотлар бажарган ишларнинг тарозуси. Рақамлар борки, уларни кўриб ё эшитиб қалблар қувончга тўлади. Иккинчи хил рақамлар ҳам бўладики, улар кишини бир қават этдан туширади. Заводда қурилиш-монтаж ишлари йиллик планга нисбатан энди 36,6 процент бажарилганлигини эшитганда, ҳар қандай киши ҳам ранжийди. Кунлар ўтяпти, корхонада янги қувватларни ишга тушириш муддатлари тобора яқинлашмоқда. Аммо қурилиш ишларининг аҳволи чатоқ.

Заводнинг иккинчи навбатини қуриш учун ажратилган маблағлардан фойдаланиш қониқарсиз аҳволда. Капитал маблағларни ўзлаштириш 5 ойлик плани 95,6 процент бажарилибди. Бош пудратчи—5-қурилиш бошқармаси эса бу кўрсаткични атиги 90,4 процент адо этган.

Фарғона азот ўғитлари заводида бу йил аммиак ишлаб чиқарувчи цехлар комплекси, азот кислотаси ва аммиак селитраси тайёрлаш бўйича қўшимча қувватлар ишга туширилиши лозим.

Фарғона азот ўғитлари заводи қурилишида бонг уриш керак. Фарғона саноат область партия комитети ва ижроия комитети, 8-қурилиш трести раҳбарлари завод қурилишидаги мавжуд аҳволни чуқур ўрганиб, янги қувватларнинг белгиланган муддатда фойдаланишга топширилиши учун зарур ёрдам кўрсатишлари керак.

Ж. ХОЛҚОСИМОВ,
И. ТЎХТАСИНОВ.
«Қизил Ўзбекистон» махсус мухбирлари.

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН да босилганган КЕЙИН

«САРСОН БЎЛГАН ВАГОНЛАР»

Редакция яқинда «Узоптобакалея»нинг Тошкент базаси бошқарувчиси А. Ғаффорбековдан хат олди. Хатда газетада босилиб чиққан «Сарсон бўлган вагонлар» сарлавҳали мақолада Тошкент базаси адресига айтилган танқидий фикрлар тамоман тўғри эканлиги тан олинади.

Тошкент базаси Ҳамза темир йўл станциясидаги корхонага кириш йўлида вагонларни кўплаб бекор турғизиб қўймоқда. Вагонларнинг келганлиги ҳақида олдиндан хабар берилишига қарамасдан, уларнинг юки ўз вақтида тушириб олинмаяпти. Вагонлар кўп вақт бекор туради. Натижада база станцияга кўплаб жарима тўламоқда. «Сарсон бўлган вагонлар» сарлавҳали мақолада ана шулар ёзилган эди. Мақола база коллективининг иқтисодий кенгашида кенг муҳокама қилинди ва вагонларнинг бекор туришини камайтиришга қаратилган муҳим тадбирлар белгиланди.

Ҳамза станциясининг раҳбарлари вагонлардан рационал фойдаланишда Тошкент базасига яқиндан ёрдам берсалар, вагонларнинг бекор туришини камайтиришда янада яхши натижаларга эришиш мумкин. Лекин станция раҳбарлари (бошлиғи М. Раҳимов) шундай қилмаётирлар. Мақолада Ҳамза станциясига тегишли танқидий фикрлар ҳам бор. Аммо станция раҳбарлари вагонлардан фойдаланишни яхшилаш юзасидан қандай тадбирлар амалга оширилаётганлигини шу вақтгача маълум қилганлари йўқ. Вагонлар — халқ мулки. Ундан тўғри фойдаланиш, бир минут ҳам бекор қолдирмаслик керак.

«ЖИНОЯТЧИЛАР ВА РЕВИЗОРЛАР»

Газетамизнинг шу йил 20 февраль сонида шу сарлавҳа остида босилган мақолада Чуст дон маҳсулотлари тайёрлаш пунктида ғалла талон-торож қилингани, айбдорлар жиноят устида қўлга тушгани, шунга қарамай республика дон маҳсулотлари бош инспекцияси ходимлари бу жиноятни хаспўшлашга урниб, ғаллани кўп миқдорда ўринсиз чегириб ташлаганлари фош қилинган эди.

Шу муносабат билан редакция Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлигидан қуйидаги жавобни олди.

«Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1963 йил 20 февраль сонида босилган «Жиноятчилар ва ревизорлар» сарлавҳали мақолада кўрсатилган суинстеъмолчилик фактлари чуқур текшириш натижасида тасдиқланди.

Текшириш якунлари министрлик коллегиясида муҳокама қилинди ва айбдорлар жазоланди.

Собиқ давлат ғалла инспектори, ҳозирги пайтда дон маҳсулотлари бош бошқармасининг Сурхондарё области бўйича бош инженери Л. Л. Штейн ўз вазифасига масъулиятсизлик билан қарагани ва 77 тонна буғдойни чегириб ташлашни тавсия қилгани учун ишдан бўшатилди. Давлат ғалла инспекцияси бошлиғининг ўринбосари Б. П. Пителин ўғирлик фактларини текширишда юзакичиликка йўл қўйгани ҳамда дон маҳсулотлари чиқимини чегириш юзасидан ошкора қалбаки хулосалар тақдим этгани учун ишдан олинди.

Давлат ғалла инспекциясининг бошлиғи ўртоқ И. И. Красновга Чуст базасида текшириш ўтказган ғалла инспекторларининг хулосасига юзаки қарагани ва натижада асоссиз чегириб ташланган камомат буғдойни ўз вақтида аниқламагани учун қаттиқ виговор эълон қилинди.

Шунингдек, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлиги дон маҳсулотлари бош бошқармасининг ғалла базаларида ғаллани талон-торож қилиш фактларининг олдини олиш юзасидан қўшимча тадбирлар белгилади.

НОВАТОР

Уни ўрта бўйли, ҳали сочларига оқ ораламаган, ақл тўла ўткир кўзларидан, умуман, бутун вужудидан мулойимлик ёғилиб турадиган киши деб тасвирлашди инженерлар. «Ҳозиргина шу ерда эди-я. Шу яқин орада станокларнинг ишлашини кузатиб юрган бўлса керак», — дейишди ишчилар ҳам цехларда...

Бежирим тахлаб қўйилган тахта уюмлари, қурилишларга жўнатилиши керак бўлган ром ва эшиклар, чириллаб ишлаётган арралар, гуриллаган станоклар ёнидан ўтиб борарканман кўзларим билан уни излайман. Ниҳоят фрезер станогига тикилганича нималарнидир ўйлаб, қимир этмай турган кишини кўрдим. Ўша томонга қараб юрдим. Саломлашдик. Янглишмаган эканман.

— Бу станокни яқинда такомиллаштирган эдим. Ишлашини кузатяпман. Биласизми, илгари бу станокда ишлашдан киши ҳайиқар эди. Сал эътиборсизлик билан майиб бўлиб қолиш ҳеч гап эмас эди. Мана, ниҳоят «жилов»ини тортиб қўйдик. — Кулимсиради мулойимлик билан Александр Тимофеевич.

Бир қанча йиллар токарь, мастер, бош инженер бўлиб ишлаб келган Александр Тимофеевич ўз ҳаёти ҳақида ҳикоя қиларкан, кўпроқ техника тараққиёти устида тўхталарди. У бундан 9 йил муқаддам Тошкентдаги 1-ёғочсозлик заводига келганида, ёғочсозлик саноати ускуналари билан таниш эмас эди. Шунинг учун ҳам бу саноат станоклари, асбоб-ускуналарини ўрганиб чиқишга тўғри келди. Ускуналарни ремонт, монтаж

ЕТТИ ЙИЛЛИК ИЛҒОРЛАРИ

қилишда қатнашди. Унлаб техникага оид журналларни ўқиб чиқди. Билмаганини билишга интилди. Шу борада Александр Тимофеевич бир қанча ускуналарни такомиллаштириш лозимлигини сезди. Кейин шу ҳақда бош қотира бошлади.

Илгари дераза тавақаларини йиғиш қўл кучи билан бажариларди. Красноухов бу ишни бутунлай механизация зиммасига юклади. Натижада завод йилига 6.150 сўм тежаб қолиш имконига эга бўлди. Гарбилдан ажратилган ёғочларни пилорамага ўрнатиш жуда оғир иш. Бош механик бу билан келиша олмади. Янги икки аррали станок яратилди. Бу станок йўғон ходаларнинг гарбилини олиб, тўғридан-тўғри пилорамага узатади. Натижада меҳнат унумдорлиги тўрт марта ортди. Йилига 5 минг сўмдан ортиқроқ маблағ тежаб қолиняпти.

Александр Тимофеевич Красноуховнинг таклиф ва ихтироларини санаб чиқиш қийин. Ускуналар ишида камчилик учратдими, уни тугатмагунча тиниб-тинчимайди. Лекин Красноухов таклиф ва ихтиролари учун мукофот олишга шошилмайди. Янги станок ёки ускуна бир неча ой яхши ишлаб тежам бера бошласа, ишчиларнинг меҳнатини ҳақиқатан ҳам енгиллаштирса, шундагина мукофотга рози бўлади.

Бош механик ҳозир ўзи такомиллаштирган «Ц2-Д5» маркали кесувчи станокни ишлаб чиқаришда синаб кўриш билан бирга, дурадгорлик маҳсулотларини ярим автомат линия ёрдамида тайёрлаш лойиҳасини тузиб чиқди. Шу кунларда бу новатор янги линияни тезроқ ишга тушириш учун ижод ва изланишни давом эттирмоқда.

Корхона коллективи ижодкор механик А. Т. Красноухов билан фахрланса арзийди. У мардонавор меҳнати ва инженерлик фикр-мулоҳазалари билан етти йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажаришга муносиб ҳисса қўшмоқда.

А. БРОНШТЕЙН.

ЖАҲОН ДЕМОКРАТИК ХОТИН-ҚИЗЛАР ФЕДЕРАЦИЯСИ ТИНЧЛИК, МИЛЛИЙ МУСТАҚИЛЛИК, ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА БОЛАЛАРНИНГ БАХТ-САОДАТИ УЧУН КУРАШМОҚДА



Халқаро демократик хотин-қизлар федерациясининг раиси Эжени КОТТОН доклади

Биз Жаҳон конгрессини Москвада чақиришни таклиф этганликлари учун барча совет хотин-қизларидан миннатдормиз. Ҳозирги вақтда бу конгресснинг аҳамияти ҳаммага аёндир. Совет хотин-қизлари, дейди Эжени Коттон, шу қадар кўп делегациянинг жуда яхши ва қулай шароитда, гоят самимий вазиятда иш бошлашига имконият яратиб бериш йўлида зўр гайрат билан ишлаганликлари учун уларга ташаккур изҳор қиламиз. Конгресс қатнашчиларидан кўпи Совет юртига биринчи марта келди. Улар 1917 йилдан кейин хотин-қизларнинг барча соҳаларда юридик жиҳатдан ҳам, амалий жиҳатдан ҳам эркаклар билан тўла тенглигини эътироф этган бу мамлакатни ҳурсандлик билан табриклайдилар.

Эжени Коттон айтадики, илгари конгрессларнинг бирортаси ҳам биринчи космонавт қиз Валентина Терешкованинг жасорати каби зўр жасорат билан нишонланмаган эди. Ҳаммамиз бу жасоратга қойил қолдик ва бу парвознинг техникаси билангина эмас, балки Валентина Терешкованинг бамайлихотир кўрсатган жасорати ва мардлиги билан, унинг ўз вазифасини бажаришга ва тараққиёт ишига ўз ҳиссасини қўшишга қатъий қарор берганлиги билан ҳам чексиз қувонмоқдамиз.

Эжени Коттон сўзини давом эттириб айтадики, совет хотин-қизлари хотин-қизларни камолотга эришгириш ишига жуда яхши ҳисса қўшмоқдалар. Ўзларининг бир қанча асосий талаблари Совет мамлакатидаги опа-сингиллари томонидан рўёбга чиқарилганлиги бутун дунё хотин-қизларини бениҳоя руҳлантириб юборганлигига шак-шубҳа йўқ. Дарҳақиқат, ҳамиша пешқадамларга тааниб иш кўриш жуда муҳим-ку, ахир.

Эжени Коттон бундай деди: Жаҳон хотин-қизлари конгрессининг қатнашчилари минг кишидан ошмайди, деб фараз қилинган эди. Ҳозир эса конгрессга 1400 дан кўпроқ киши тўпланди. Халқаро демократик хотин-қизлар федерациясининг бундан аввалги конгресслари ҳам хотин-қизларнинг халқаро ёки жаҳон конгресслари деб ҳисобланган эди. Аммо ана шу конгрессларнинг бирортаси ҳам халқаро ёки жаҳон конгресси деб аталишга Москвада ўтказилаётган шу конгресс сингари сазовор бўлмаган эди. Бунга, аввало, сабаб шуки, вакиллари бу конгрессда қатнашаётган мамлакатларни г нсони аввалги ҳамма конгрессларда қатнашган мамлакатлар сонидан анча ортиқдир. Барча қитъалардаги 120 га яқин мамлакат вакиллари Москвага келди.

Бу конгресс бутун жаҳон ҳаётида хотин-қизларнинг роли ўсаётган, турли маслакларга мансуб бўлганлари ҳолда Халқаро демократик хотин-қизлар Федерациясига ишонч билан қараётган хотин-қизлар миқдори ортиб бораётган бир шароитда тўпланди. Конгрессда хотин-қизлардан жуда кўп вакиллар қатнашаётганлиги буни исбот этади. Ҳозирги вақтда хотин-қизлар ҳамма жойда бутун жаҳондаги турмушни ўзгартириб юбораётган буюк ишларда қатнашишни истайдилар. Қитъалар эндиликда бир-биридан ажралган ҳолда яшамайдилар. Турли ирқларга мансуб кишилар биз яшаб турган ҳозирги даврда мақбул бўлган ягона бир асосда — ҳуқуқий тенглик асосида тез-тез учрашиб туриш ва ҳамкорлик қилиш имкониятига эгадирлар. Жабр-зулмнинг ҳар қандай шаклларига — мустамлакачилик, ирқчилик ёки империализмга қарши узоқ вақт мобайнида олиб борилган кураш ўз самараларини бермоқда.

Аммо турли қитъаларда жабр-зулмнинг турли даражада бўлган кўринишлари ҳали ҳам давом этмоқда. Жуда кўп кишилар очликдан ўлиб кетаётган бир пайтда ўзлари тўпланган озиқ-овқат запасларининг нархларини пасайтириш ўрнига уларни нобуд қилиб юборишни афзал кўраётган чайқовчилар ҳали ҳам кўп. Ўз болаларини зарур нарсаларнинг ҳаммаси билан таъминлаш тўғрисида доим ғамхўрлик қилаётган оналар болаларини очликдан халос қилмоқ учун маблағларни бўлмаган аёллари эса олганларида астойдил қайғурадилар. Улар жаҳонда ҳали кўп нарсани ўзгартириш кераклигини ва ана шу ўзгаришларни жадаллаштириш учун қўлларидан келган ҳамма чораларни кўришлари лозим эканлигини яхши биладилар.

Эжени Коттон айтдики, хотин-қизлар замона билан бирга бориши ва эркаклар билан бир қаторда инсониятнинг умумий тараққиётига ўз ҳиссаларини қўшишни истайдилар.

Докладчи яна бундай деди: Барча мамлакатлардаги хотин-қизларнинг Москвада Халқаро демократик хотин-қизлар федерацияси томонидан чақирилган Жаҳон конгрессига зўр эътибор бераётганликларига ҳам сабаб шу. Халқаро демократик хотин-қизлар федерацияси хотин-қизларнинг ҳаётига тааллуқли барча проблемалар билан, уларга таълим бериш (бу иш узоқ вақт назар-писанд қилинмаган эди), уларнинг профессионал тайёргарлиги, меҳнат қилиш ҳуқуқи ва адолатли ҳақ олиш ҳуқуқи, уларнинг ўз мамлакатлари ижтимоий ҳаётида қатнашиш ҳуқуқи проблемалари билан доим шуғулланиб келмоқда. Ана шу хотин-қизлар ташкилоти инсониятнинг истиқболи бўлган болалар ва ёшларни тарбиялашга тааллуқли масалалар билан шуғулланиб келди.

Эжени Коттон айтадики, ядро қуроли пойгасига ҳотима бериш ва қуролсизланишга эришиш керак. Эжени Коттон шу нарсани уқтириб ўтадики, Н. С. Хрушчев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг мажлисида сўзлаган машҳур нутқида контроль қилиб туриладиган ёппасига қуролсизланишнинг батафсил планини биринчи бўлиб таклиф этганлигини хотин-қизлар эсларидан чиқарганлари йўқ. Н. С. Хрушчевнинг ядро синовларидан воз кечиш соҳасида кўрсатган ташаббуси, афсуски, қўллаб-қувватланмади. Лекин шунга қарамай, у илгари сурган улуғ идея ўзига йўл очиб олди: халқлар ядро синовларини тўхтатиш ва қуролсизланишни тобора қаттиқ талаб этмоқдалар.

Халқаро демократик хотин-қизлар федерациясининг раиси айтадики, қуролсизланишдан иборат олижаноб идея беш йилдан буён барча мамлакатлардаги атоқли арбобларнинг фикрини банд қилиб келмоқда. Эжени Коттон ядро қуролига эга бўлган икки буюк давлат ва Буюк Британия шу йил июль ойида Москвада ўтказиладиган кенгашда ядро синовларини тамомила тақиқлаш тўғрисида шартнома тузишга ҳаракат қилиб кўриш ҳақида келишиб олганликларидан мамнун эканлигини билдирди.

Азиз дугоналар, деб таъкидлайди Эжени Коттон, шундай қилиб, бизнинг конгрессимиз шодиёна бир пайтда очилмоқда, бунга сабаб шуки, ҳаммадан кўра хотин-қизларни кўпроқ тўлқинлантираётган проблема — тинчлик проблемаси ядро қуролига эга бўлган асосий давлатлар ҳукуматлари бошлиқлари ҳал этишга уринаётган асосий масала бўлиб қолди.

Сўнгра докладчи айтадики, хотин-қизлар қуруқ умид билан қаноатланиб қололмайдилар, улар сўздан ишга ўтилишини истайдилар. Ер юзининг кўп қисмида, жумладан, Ўрта Шарқда, Лаосда, Европада аҳвол кескинлигича қолмоқда. Европада Ғарбий Берлин ва герман сулҳ шартномаси проблемаси шу пайтгача ҳал этилган эмас ва яқинда генерал де Голль билан канцлер Аденауэр имзолаган шартнома герман милитаристларининг позициясини мустаҳкамлайди ва атом қуролининг хатарли тарқалишига ёрдам беради. Хотин-қизлар тинчлик бўлишини узил-кесил таъминлаш йўлидаги курашни давом эттира берадилар.

Эжени Коттон ўз докладида Халқаро демократик хотин-қизлар федерациясининг 1958 йил май ойида Венада бўлиб ўтган конгрессидан буён қилган ишларига батафсил тўхталиб ўтди.

Халқаро демократик хотин-қизлар федерацияси ишонч ва дўстлик асосида хотин-қизларни мумкин қадар кенгроқ доирада бирлаштириш ниятидадир.

Алоҳида тақдирга сазовор бўлган шонли кунларнинг бири, деб сўзини давом эттиради Эжени Коттон — 8 Март Халқаро хотин-қизлар кунидир. Менинг фикримча, ҳозирги вақтда барча мамлакатларда 8 Март кунини бутун дунёдаги барча хотин-қизларни кенг миқёсда бирлаштириш кунига айлантириш айниқса муҳимдир. Шу муносабат билан докладчи 8 мартнинг 50 йиллик байрамини ўтказишда 1960 йилда Копенгагенда рўй берган воқеаларни эслатиб ўтди. Копенгагенда ўтказилган ана шу халқаро учрашувда 73 мамлакатдан 700 дан кўпроқ хотин-қиз қатнашди. Улар турли маслакдаги кишилар эди.

Федерация ўз учрашувларини турли қитъаларда ўтказаётганлиги сабабли ҳар бир жойнинг ўзида хотин-қизларнинг турмуши билан, уларнинг йўлида учрайдиган қийинчиликлар билан ва уларнинг фаолияти билан танишиб чиқади. Халқаро демократик хотин-қизлар федерациясининг вакиллари Африка, Япония, Австралия, Америка, Куба ва бошқа мамлакатларда бўлдилар. Латин Америкаси мамлакатлари хотин-қизларининг 1959 йил декабрь ойида Сант-Яго да (Чили) ўтказилган конгресси менда жуда кучли таассурот қолдирди. Мен бу жойда, биринчидан, бутун Латин Америкасида иқтисодий зулм ҳукм сураётганлигини ва, иккинчидан, қаҳрамон Куба халқи Фидель Кастро раҳбарлигида озод бўлганидан кейин бу қитъа халқларининг қалбида умид туғилганлигини яхши пайқаб олдим.

Федерация, деб яна қайд қилади Эжени Коттон, Осиё, Африка ва Америка мамлакатлари миллий мустақиллиги учун курашаётган хотин-қизлар билан бирдам бўлиб, уларни қўллаб-қувватлади. Халқаро демократик хотин-қизлар федерацияси Африка давлатлари ва бошқа мамлакатларнинг озодликка эришганлигини ва уларнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилинганлигини зўр шодлик билан табриклади. Шу нарса шубҳасизки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотида Хитой Халқ Республикаси каби буюк давлат ўз ўрнини олмагунча бу ташкилот ўзининг чин қиёфасига эга бўлолмайди.

Биз, дейди Эжени Коттон, ҳали мустақилликка эришмаган ва ирқчилик, мустамлакачилик, империализм зулми остида ҳали ҳам қаттиқ азоб чекаётган мамлакатларнинг хотин-қизлари, жумладан, Жанубий Африка, Ангола ва Жанубий Вьетнам хотин-қизлари билан бирдам бўлиб, уларни қўллаб-қувватлаймиз. Испания, Греция, Португалия ва Ироқда, шунингдек Ўрта Шарқ ва Латин Америкасидаги бошқа кўп мамлакатларда зулмдан жабр-жафо чекаётган, тюрьмаларда азоб тортиб ётган ва ўз болаларини тюрьма панжаралари орқали узоқдангина кўраётган барча опа-сингилларимиз шуни билиб қўйсинларки, биз ўз қаҳр-ғазабимизни доим баралла изҳор қиламиз ва барча ватанпарварларга амнистия берилишини талаб қиламиз. Ана шу ватанпарварлар Хулиан Гримау каби ўлим хавфи остида қолмоқдалар.

Бизнинг яна бир муқаддас бурчимиз бор. Бу бурч — тинчликнинг тезликда карор топишига эришишдан, ёппасига ва батамом қуролсизланишни амалга ошириш учун бутун ғайратимизни сарф қилиб курашишдан иборат. Ана шу тадбирнинг амалга оширилиши барча мамлакатлардаги — иқтисодий жиҳатдан энг илгор бўлган мамлакатлар, шунингдек ҳали яқиндагина мустақилликка эришган мамлакатлардаги барча хотин-қизлар учун энг олижаноб иш бўлади.

Сўнгра Халқаро демократик хотин-қизлар федерациясининг раиси Федерациянинг халқаро майдонда қилган ишларига тўхталиб ўтади.

Биз, дейди Эжени Коттон, кейинги тўрт йил ичида хотин-қизлар ўртасида тинчликка интилиш кучайиб бораётганлигига ҳам ишонч ҳосил қилдик. Бу ҳол кўпгина миллий ва маҳаллий учрашувларда ўз ифодасини топди. Ана шу учрашувлар орасида ҳар йили Ростокда (Германия Демократик Республикаси) ўтказиладиган «Болтиқ денгизи ҳафтаси»ни алоҳида кўрсатиб ўтиш керак.

Ҳеч шубҳа йўққи, деди Эжени Коттон, хотин-қизларнинг билим савияси нақадар юқори бўлса, улар ўз имкониятлари ва жавобгарликларини шу қадар кўпроқ англайдилар, инсониятнинг олға караб қилаётган ҳаракатида шу қадар актив қатнашадиган бўладилар. Миллий ташкилотларимизнинг ҳар бири ўз мамлакатига хос хусусиятларни эътиборга олиб, хотин-қизларнинг ҳамма соҳаларда тенг ҳуқуқли бўлишлари учун курашмоқда. Ер юзидаги болаларнинг учдан якки қисми оч яшаётган, болаларнинг ярми мактабларга қатнамаётган ва ҳатто иқтисодий жиҳатдан тараққий этган кўп мамлакатларда ҳам бошланғич мактабларда ўринлар етишмаётган ва техника ўқув юртлари ҳамда университетларда ўринлар сони янада кам бўлган бир пайтда, қайси она, хотин-қизларнинг қайси ташкилоти ўз вазифамни бажардим, деб хисоблай олади? Ғарбдаги кўп мамлакатларда ишчи ва деҳқонларнинг болалари олий маълумот олиш имконидан маҳрум этилганлигига тоқат қилиш мумкинми, ахир?

Эжени Коттон Федерациянинг «Жаҳон хотин-қизлари» журнали барча мамлакатларнинг хотин-қизларига ахборот бериб, улар ўртасида дўстона алоқаларнинг кенгайтирилишига кўмаклашиб, катта роль ўйнаётганлигини таъкидлайди.

Эжени Коттон Халқаро демократик хотин-қизлар федерациясининг иш перспективаларини характерлаб, қуйидагиларни айтади: Ана шу халқаро хотин-қизлар ташкилотининг асосий мақсади нима қандай бўлса, ҳозирда ҳам шундай, бу мақсад — ташкилотнинг улкан оила сифатидаги характерини сақлаб колишдир. Бу ташкилотда ҳар бир аёл она, меҳнаткаш ва граждан сифатида барча хотин-қизларни қизиқтираётган ҳамма проблемаларни ҳал этиш йўлларини кидириб топишда ўз дугоналарининг дўстона қўллаб-қувватлаши ва бирдамлигига эришади. Тез ривожланиб бораётган ва биз яшаб турган ҳамда тараққиётнинг турли босқичларида бўлган хотин-қизлар бирлашаётган дунёда бу вазифани бажариш қийин, албатта. Лекин бу — ҳаётий муҳим вазифадир.

Эжени Коттон докладининг охирида бундай дейди: Азиз дугоналар, Валентина Терешкованинг ажойиб жасоратидан руҳланган шу конгрессимизнинг иши ҳамма делегатларнинг қалбида эндиликда хотин-қизлар барча халқлар олдида очилаётган буюк истиқболни бунёд қилиш соҳасидаги ҳамма ишларда қатнаша оладилар, деган туйғуларни оширади. Ҳар биримиз ўзимизнинг куч-ғайратимизни Валентина Терешкова каби ўз идеалимизга бағишласак, ана шу истиқболни бунёдга келтиришга ўз хиссамизни қўша оламиз.

Аммо биз Валентина Терешкова билан Валерий Быковскийнинг биргаликда қилган парвозидан бошқа хулосани ҳам чиқариб оламиз: айни бир хил дадил илмий ва инсоний бурчни бажаришда эркак билан аёл кишига бир хил даражада ишонч билдирилди. Бу эса, Федерациямизнинг асосий мақсадига тамомила мувофиқдир. Биз бутун ер юзида хотин-қизларни истиқболга тайёрлашни истаймиз. Хотин-қизлар эркакларнинг сафдошлари бўлишни, оилада, меҳнатда ва ижтимоий ҳаётда эркаклар билан тенг бўлишни, бутун жаҳондаги болаларнинг умумий тинчлик шароитида яшашини таъминлашни истайдилар. Ана шу умумий тинчлик шароитида улар ўз имкониятларини бемалол рўёбга чиқара оладилар ва биз умид қилгандан ҳам ортиқроқ ишларни қила оладилар.

Азиз дугоналар, ана шу улуғ ишимизнинг муваффақияти учун янада зўр катъият билан кенгроқ миқёсда бирлашайлик ва бизнинг бу учрашувимиз хотин-қизларнинг бутун жаҳон миқёсида бирлашиш йўлидаги ҳаракати тарихида ҳал қилувчи босқич бўлиб колсин.

Яшасин Жаҳон хотин-қизлари конгресси!

Яшасин тинчлик!



Хотин-қизлар жаҳон конгрессининг мажлислар залида.
В. Мусаэльян фотоси, (ТАСС фотохроникаси).

БАРЧА ҚИТЪАЛАРДАГИ ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ БУЮК АССАМБЛЕЯСИ

Жаҳон хотин-қизларининг буюк ассамблеяси очилди.

Президиум столи ёнига Халқаро демократик хотин-қизлар федерациясининг раиси Эжени Коттон ва Федерациянинг вице-раиси, Совет хотин-қизлари комитетининг раиси Н. В. Попова чиқадилар. Тўпланганлар уларни қизғин табриклайдилар.

Залда овация бошланади. Ҳамма ўрнидан туради. Президиумга Валентина Терешкова билан Валерий Быковский чиқадилар. Эжени Коттон ва Н. В. Попова қаҳрамонларни қучоқлаб ўпадилар. «Ура» садолари янграйди. Осиё мамлакатларидан келган делегатлар жаҳондаги биринчи космонавт қизга юксак ҳурмат белгиси сифатида гул шодаси кийгизадилар.

Аргентина делегациясининг аъзоси Роса Ясович конгресс президиумини сайлаш ҳақида таклиф киритади. У, биринчи бўлиб Халқаро хотин-қизлар ҳаракатининг кекса ва атоқли арбоби Эжени Коттон ҳамда юлдузлар йўлини забт этувчи, ажойиб совет космонавт қизи Валентина Терешкова номини тилга олади. Делегатлар бу таклифни гулдурос овация билан кутиб олдилар. Президиум составига ўздан ортиқ киши сайланди.

Минбарга Ҳиндистон хотин-қизларининг вакиласи — Ҳиндистон парламентининг аъзоси Рену Чакраварти чиқади. У, президиумга совет космонавти Валерий Быковскийни таклиф қилишни тавсия этади. Бу — Жаҳон конгресси президиуми аъзолари ўртасида бирдан-бир эркакдир.

Мажлисда раислик қилувчи Н. В. Попова айтадики, Жаҳон хотин-қизлар конгресси делегацияларига Халқаро демократик хотин-қизлар федерацияси раиси Эжени Коттоннинг «Жаҳон демократик хотин-қизлар федерацияси тинчлик, миллий мустақиллик, хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва болалар бахт-саодати учун курашда» деган докладини тинглаш тавсия этилади. Конгресс, шунингдек, хотин-қизларнинг жамият ва оиладаги ҳуқуқлари учун кураш; хотин-қизлар тинчлик, қуролсизланиш ва халқлар ўртасида дўстлик учун; хотин-қизларнинг миллий мустақиллик ва мустамлакачиликни тугатиш учун кураши; болалар ва ёшларнинг соғлиги, тарбияси ва таълими сингари проблемаларни ҳам муҳокама қилади.

Делегатлар Конгресс муҳокамасига таклиф қилинган масалаларни маъқуллайдилар.

Совет делегациясининг аъзоси, СССР Олий Советининг депутати О. И. Ивашченко Н. С. Хрушчевнинг Жаҳон хотин-қизлар конгрессига мактубини ўқиб беради.

НЎХАТКОРЛАР УЧУН ҚУЛАЙ МАШИНА

Нўхатни йиғиштириб олиш ҳали ҳам энг сермеҳнат ишлигича қолаяпти. Бир гектар майдондаги нўхатни йиғиштириб олиш учун камида 20 киши бир кун меҳнат қилиши керак.

Нўхат поясини ўриб олиш принципига асосланиб туриб конструкция қилинган ўрим-йиғим машиналари (косилка ва «ЖБА-3,5» жаткалари) суғориладиган ерларда унчалик кўп келмайди, чунки бу машиналар билан нўхат йиғиштириб олинганида, ҳосилнинг анчагина қисми нобуд бўлиб кетади.

Нўхат ҳамма жойда пишганда уни йиғиштириб олишни бир кун бўлса ҳам кечиктириш хўжаликка катта зарар етказади. Бунга йўл қўймаслик учун нўхатни қайси усул билан йиғиштириб олиш мумкин? СоюзНИХИ экспериментал базасининг механиклари В. Л. Сердобинцев ва Д. М. Абриталин ўртоқлар бу саволга жавоб топдилар. Улар нўхат поясини юлиб кетиш принципига асосланган ҳолда ҳосилни механизация воситаси билан йиғиштириб олишнинг янги усулини таклиф қилдилар.

Нўхатни бундай принцип асосида йиғиштириб олиш анча осон бўлиб, «ВНХ-3» маркали машина-волокуша ҳамда унга мосланган «паншаха» 1- суратда тасвирланган дир. «Паншаха» ёки бошқача қилиб айтганда «тароқ» диаметри 48 миллиметр (1) калин трубадан ясалган бўлиб, унга «зиг-заг» бороналарнинг тишлари волокушанинг панжалари орасига ўхшаш қилиб ўрнатилади. Тишларининг узунлиги 140 миллиметр (2). Барча тишлар пайвандланиб мустаҳкам ўрнатилган.

«Паншаха»нинг трубасига учта тўсқич (3) ҳам ўрнатилади. Бу тўсқичлар «паншаха»нинг тишларини иш вақтида вертикал ҳолатда тутиб туриш учун хизмат қилади.

Волокуша рамасининг олдинги қисмига (7) учта ярим хомут (4) ўрнатилади, бу хомутларда стопор болти (5) учун диаметри 12 миллиметрли иккита тешик очилади. «Паншаха» ярим хомутларга ўрнатилиб, болтлар билан маҳкамлаб қўйилади. «Паншаха»нинг узунасига силжиб кетмаслиги учун трубанинг охирига мустаҳкамлайдиган халқалар (6) ўрнатилади.

Волокуша «паншаха» билан ишга солинадиган ҳолатга келтирилганида, волокушанинг панжалари ва «паншаха»нинг тишлари ерга тегиб туради. Волокуша олдинга қараб ҳаракат қилганида «паншаха»нинг тишлари вертикал ҳолатга келади, шунинг натижасида нўхат поялар юлиб кетилаверади ва раманинг тагига тушмасдан волокуша тутиб қолаверади. Нўхат пояни йиққандан кейин волокуша кўтарилади ва бир жойга тўплаб кетади.

Шундай волокуша билан нўхатни йиғиштириб олишнинг бир қанча схемалари текшириб кўрилди. Иккинчи суратда тасвирланган схема энг қулай бўлиб, иш вақтидан жуда унумли фойдаланишга муваффақ бўлинади. Тақдим этилаётган схемага мувофиқ нўхат йиғиштириб олинганида, трактор участканинг узунасига қараб дастлаб икки марта юрганида юлиб олинган нўхат поялар йиғиштириб олинган биринчи қаторга ётқизиб кетилади. Иккинчи йўл бўш бўлиб, тракторнинг кейинги юришида нўхатпояларни ётқизиб кетишга керак бўлади. Учинчи йўлдан бошлаб йиғиштириб олинган нўхат поялар бўшаган иккинчи қаторга, тўртинчидан учинчи қаторга ва хоказо ётқизиб кетилаверади. Ҳамма нўхат поялар учинчи юришдан бошлаб бир йўлга қаторларнинг кўндалангига ётқизиб кетилаверади. «СК-3» комбайнининг нормал ишлашини таъминлаш учун шундай қилинади.

Участкада ётқизиб кетиладиган нўхат поясининг миқдори трактор юрадиган ернинг узунлигига ва нўхат хосилига боғлиқ бўлади. Ҳосил қанча юқори ва трактор юрадиган участка қанча узун бўлса, участканинг узунасига нўхат пояси шунча кўп тўп-тўп қилиб қўйилади, уларнинг бир-биридан ораси шунча яқин бўлади.

СоюзНИХИ далаларида гектаридан 25-30 центнердан нўхат ҳосили олиш мўлжалланган жойларда нўхат поялар ҳар 10-12 метрдан кейин тўп қилиб кетилади. Ўрилган нўхат пояларни қаторларнинг узунасига ҳам ётқизиш мумкин, лекин бунда трактор нинг бекор айланиши кўп бўлади ва агрегатнинг меҳнат унумдорлиги тахминан 15-20 процент камаяди.

Тавсия этилаётган технологияда «ВНХ-3» маркали волокуша «ДТ-20» тракторига осилган бўлиб, бир соатда 0,26-0,27 гектар ердаги хосилни йиғиштириб олади ва нўхатни қўлда йиғиштириб олишда ишлайдиган 40 кишининг ишини қилади.

Нўхатни механизация воситаси билан йиғиштириб олишнинг бу усули яна шунинг учун ҳам афзалки, бўйи анча баланд бўлиб ўсган бегона ўтлар машина ўтгандан кейин далада қолади ва йиғиштириб олинган нўхат поясини ифлос қилмайди. Бундан ташқари, агрегатнинг ўзи жўнгина бўлиб, нўхатни бу усулда йиғиштириб олиш ниҳоят арзонга тушади ва ҳар бир пахтакор хўжаликда кенг қўлланилса бўлади.

Ҳар бир хўжалик ўзида волокуша учун «паншаха»лар тайёрлаши ва ундан нўхатни йиғиштириб олишда фойдаланиши мумкин. Нўхатни йиғиштириб олишнинг бу усули ҳамма жойда кенг қўлланилади, деб ўйлаймиз.



И У Л

«Паншаха» ли «ВНХ-3» волокушаси билан нўхатни йиғиштириб олиш схемаси.



«ВНХ-3» волокушасига ясалган «паншаха» мосламаси.



«Паншаха» мосламаси ўрнатилган «ВНХ-3» маркали волокуша.

В. БЕРЕЗОВСКИЙ,
СоюзНИХИнинг г алмаштаб экиш бўлими мудири.
И. ДАВИДОВ,
СоюзНИХИнинг г экономика бўлими мудири, иқтисод фанлари кандидати.

АЛОҚАЧИЛАР ТАЖРИБА АЛМАШМОҚДАЛАР

25 июнда Тошкентда СССР Алоқа министрлиги чақирган почта алоқаси корхоналари иш тажрибасини алмашиш юзасидан кенгаш очилди.

Кенгаш қатнашчилари содиқ ленинчи, бутун дунёда тинчлик учун толмас курашчи ўрток Н. С. Хрушчев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитети Президиумини баланд руҳ билан фахрий президиумга сайладилар.

Кенгашни СССР алоқа министрининг биринчи ўринбосари К. Я. Сергейчук очди. Сўнгра, Ўзбекистон ССР алоқа министри М. А. Шарковнинг Ўзбекистон почталари ва почта алоқаси корхоналари ходимларининг илгор тажрибаси ҳақидаги доклади тингланди.

Музокараларда почта вагони бошлигининг ўринбосари Х. Эргашев (Ўзбекистон), Сурхондарё область Шўрчи районидаги «Сурхон» коммунистик меҳнат алоқа бўлимининг бошлиги А. Г. Минаков, Олмаота шаҳридаги 37-алоқа бўлимининг бошлиги Н. Г. Горяева, Ленинград шаҳридан келган почтальон М. Н. Андронова, коммунистик меҳнат алоқа бўлимининг бошлиги В. О. Лозовицкая (Москва), колхоз почтальони А. Гулхонов (Туркманистон), Наманган алоқа узелининг почтальони А. Маматов, Тожикистон ССР Ленин алоқа узелининг бошлиги Х. Собиров, Туркманистон ССР алоқа министрининг ўринбосари М. Н. Ҳожниёзов ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Кенгаш ишида КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. А. Карлов, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Р. Қурбонов, КПСС Марказий Комитети транспорт ва алоқа бўлими секторининг мудири А. С. Аггеев иштирок этмоқдалар.

Кенгаш икки кун давом этади.

(ЎзТАГ).

ТУНИС ПАРЛАМЕНТ АЪЗОЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА

23 июнь кечқурун Тошкент аэропортининг биноси тепасида Тунис, СССР ва Ўзбекистон ССР давлат байроқлари кўтарилди. СССР Олий Советининг таклифига биноан Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Тунис Республикаси парламент делегациясини Ўзбекистон пойтахти самимий ва очиқ кўнгил билан кутиб олди. Парламент аъзоси Мустафо Филолий бошчилигидаги бу делегация составида парламент аъзолари дан Амар Жамолий, Ламин Белага, Тухами Награ, Абдилмажид Ризгалла, Али Фуротийлар бор.

24 июнь эрталаб Тунис парламент аъзолари Ўзбекистон ССР Олий Совети Раиси О. С. Содиқов ҳузурида бўладилар.

Дўстона суҳбат вақтида О. С. Содиқов меҳмонларни Ўзбекистон ССР Олий Советининг фаолияти билан, республика экономикаси ва маданиятининг ривожланиши билан таништирди.

Кунниинг иккинчи ярмида Тунис парламент аъзолари Ўрта Осиё Халқ хўжалиги кенгаши ва Ўзбекистон ССР Фанлар академияси раҳбарлари билан суҳбатлашдилар. Меҳмонлар, шунингдек Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний назоратида бўлдилар. (ЎзТАГ).

«Қизил Ўзбекистон»нинг навбатдаги сони 28 июнда чиқади.

Редактор ўринбосари
А. ИСМОИЛОВ.

ИККИ ЮЗ САКСОН УЧ МИНГ ЮТУҚ

Ўзбекистон ССР 1963 йилги пул-буюм лотереяси учинчи чиқарилиши бўйича 1963 йил 23 июнда Урганч шаҳрида бўлган ютуқ тиражининг

РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

Тиражда ҳаммаси бўлиб умумий суммаси беш юз йигирма беш минг сўм бўлган 283000 дона буюм ва пул ютуғи ўйналди.

АНА ШУ ЛОТЕРЕЯНИНГ БЕШ РАЗРЯДИДАГИ СЕРИЯ НОМЕРИ ВА БИЛЕТ НОМЕРИ ҚУЙИДАГИЧА БЎЛГАН БИЛЕТЛАРГА ЮТУҚ ЧИҚДИ:

Серия номерлари	Билет номерлари	Ютуққа чиққан буюмнинг номи ва пул ютуғининг ҳажми	Ютуққа чиққан буюмнинг пули (сўм, тийин)
07020	093*)	3 метр ғижим духоба	35—70
07059	137*)	1,4×2 метрли гилам	84—00
07060	200*)	Моторли велосипед	150—00
07070	036*)	Тикадиган қўл машина	58—30
07075	1—200	Хоҳлаган китоб	3—00
07129	183*)	Тикадиган қўл машина	58—30
07151	027*)	3 метр ғижим духоба	35—70
07165	170*)	3 метр ғижим духоба	35—70
07171	078*)	«Баку» радиоласи	120—65
07172	096*)	«Юрюзань» ёки «Саратов» холодильниги	255—00
07181	113*)	Тикадиган қўл машина	58—30
07188	118*)	«Юрюзань» ёки «Саратов» холодильниги	255—00
07196	127*)	Тикадиган оёқ машина	87—50
07202	001*)	Кир ювадиган машина	75—00
07210	014*)	Кир ювадиган машина	75—00
07241	108*)	1,4×2 метрли гилам	84—00
07286	1—200	10 сўм пул ютуғи	
07289	076*)	3 метр ғижим духоба	35—70
07329	072*)	1,4×2 метрли гилам	84—00
07332	071*)	Тикадиган оёқ машина	87—50
07358	198*)	«Юрюзань» ёки «Саратов» холодильниги	255—00
07366	064*)	Тикадиган қўл машина	58—30
07379	069*)	Кир ювадиган машина	75—00
07385	114*)	Тикадиган оёқ машина	87—50
07388	125*)	3 метр ғижим духоба	35—70
07396	171*)	3 метр ғижим духоба	35—70
07404	178*)	Тикадиган қўл машина	58—30
07413	1—200	Жун рўмол	17—00
07423	198*)	Тикадиган оёқ машина	87—50
07428	164*)	1,4×2 метрли гилам	84—00
07441	110*)	Нуқул жундан тўқилган рўмол	20—50
07459	1—200	Хоҳлаган китоб	3—00
07469	144*)	1,4×2 метрли гилам	84—00
07475	138*)	1,4×2 метрли гилам	84—00
07500	125*)	Хотин-қизлар олтин қўл соати «Заря»	82—50
07501	155*)	1,4×2 метрли гилам	84—00
07515	134*)	1,4×2 метрли гилам	84—00
07541	107*)	3 метр ғижим духоба	35—70
07547	195*)	3 метр ғижим духоба	35—70
07553	001*)	Кир ювадиган машина	75—00
07555	043*)	Тикадиган қўл машина	58—30
07572	118*)	Тикадиган оёқ машина	87—50
07587	001*)	1,4×2 метрли гилам	84—00
07622	193*)	«Юрюзань» ёки «Саратов» холодильниги	255—00
07633	099*)	Кир ювадиган машина	75—00
07641	077*)	«Юрюзань» ёки «Саратов» холодильниги	255—00
07649	009*)	Тикадиган оёқ машина	87—50
07666	093*)	Кир ювадиган машина	75—00
07691	182*)	Тикадиган қўл машина	58—30
07711	176*)	Хотин-қизлар олтин қўл соати «Заря»	82—50
07734	089*)	3 метр ғижим духоба	35—70
07742	023*)	«Юрюзань» ёки «Саратов» холодильниги	255—00
07743	163*)	3 метр ғижим духоба	35—70
07746	052*)	«Юрюзань» ёки «Саратов» холодильниги	255—00
07753	048*)	3 метр ғижим духоба	35—70
07776	081*)	Кир ювадиган машина	75—00
07780	033*)	3 метр ғижим духоба	35—70
07781	011*)	1,4×2 метрли гилам	84—00
07827	074*)	Тикадиган қўл машина	58—30
07829	112*)	3 метр ғижим духоба	35—70
07847	137*)	Кир ювадиган машина	75—00
07860	073*)	Тикадиган қўл машина	58—30
07864	148*)	«Рекорд» телевизори	210—00
07878	035*)	Нуқул жундан тўқилган рўмол	20—50
07887	026*)	Кир ювадиган машина	75—00
07890	153*)	1,4×2 метрли гилам	84—00
07893	073*)	1,4×2 метрли гилам	84—00
07894	172*)	Нуқул жундан тўқилган рўмол	20—50
07929	099*)	1,4×2 метрли гилам	84—00
07930	076*)	Тикадиган оёқ машина	87—50
07935	135*)	1,4×2 метрли гилам	84—00
07940	186*)	1,4×2 метрли гилам	84—00
07943	099*)	Кир ювадиган машина	75—00
07961	134*)	Тикадиган оёқ машина	87—50
07975	163*)	3 метр ғижим духоба	35—70
07983	014*)	Моторли велосипед	150—00
07984	169*)	Кир ювадиган машина	75—00
07987	111*)	Кир ювадиган машина	75—00
08001	114*)	Хотин-қизлар олтин қўл соати «Заря»	82—50
08015	027*)	3 метр ғижим духоба	35—70
08017	113*)	Тикадиган оёқ машина	87—50
08027	052*)	3 метр ғижим духоба	35—70
08028	181*)	3 метр ғижим духоба	35—70
08030	077*)	1,4×2 метрли гилам	84—00
08049	069*)	3 метр ғижим духоба	35—70
08060	054*)	Моторли велосипед	150—00
08062	138*)	Нуқул жундан тўқилган рўмол	20—50
08064	148*)	Моторли велосипед	150—00
08067	037*)	3 метр ғижим духоба	35—70
08125	041*)	«Юрюзань» ёки «Саратов» холодильниги	255—00
08131	098*)	3 метр ғижим духоба	35—70
08177	059*)	Тикадиган оёқ машина	87—50
08196	041*)	Тикадиган қўл машина	58—30
08208	034*)	1,4×2 метрли гилам	84—00
08222	155*)	Моторли велосипед	150—00
08226	1—200	20 сўм пул ютуғи	
08232	086*)	1,4×2 метрли гилам	84—00
08237	035*)	Кир ювадиган машина	75—00
08240	129*)	Тикадиган оёқ машина	87—50
08275	033*)	3 метр ғижим духоба	35—70
08285	053*)	«Москвич» автомашинаси	2500—00
08305	012*)	3 метр ғижим духоба	35—70
08314	073*)	Тикадиган оёқ машина	87—50
08316	092*)	Тикадиган қўл машина	58—30
08317	125*)	«Юрюзань» ёки «Саратов» холодильниги	255—00
08322	124*)	1,4×2 метрли гилам	84—00
08323	148*)	Нуқул жундан тўқилган рўмол	20—50
08339	143*)	Тикадиган оёқ машина	87—50
08344	069*)	Тикадиган қўл машина	58—30
08349	013*)	Кир ювадиган машина	75—00
08367	032*)	Нуқул жундан тўқилган рўмол	20—50
08370	146*)	Кир ювадиган машина	75—00
08387	158*)	3 метр ғижим духоба	35—70
08393	152*)	Кир ювадиган машина	75—00
08398	117*)	«Чайка» пилесоси	42—50
08407	094*)	«Юрюзань» ёки «Саратов» холодильниги	255—00
08411	188*)	1,4×2 метрли гилам	84—00
08415	036*)	Тикадиган қўл машина	58—30
08424	092*)	«Юрюзань» ёки «Саратов» холодильниги	255—00
08449	003*)	Тикадиган оёқ машина	87—50
08463	110*)	Тикадиган оёқ машина	87—50
08468	078*)	«Баку» радиоласи	120—65
08486	114*)	Нуқул жундан тўқилган рўмол	20—50
08490	099*)	3 метр ғижим духоба	35—70
08496	132*)	3 метр ғижим духоба	35—70
08525	036*)	3 метр ғижим духоба	35—70
08527	191*)	1,4×2 метрли гилам	84—00
08529	189*)	1,4×2 метрли гилам	84—00
08542	179*)	Кир ювадиган машина	75—00
08559	055*)	Нуқул жундан тўқилган рўмол	20—50
08596	180*)	3 метр ғижим духоба	35—70
08600	109*)	1,4×2 метрли гилам	84—00
08609	085*)	Кир ювадиган машина	75—00
08615	123*)	1,4×2 метрли гилам	84—00
08617	059*)	Тикадиган қўл машина	58—30
08618	166*)	Нуқул жундан тўқилган рўмол	20—50
08623	111*)	Тикадиган оёқ машина	87—50
08632	195*)	3 метр ғижим духоба	35—70
08658	041*)	1,4×2 метрли гилам	84—00
08673	014*)	Хотин-қизлар олтин қўл соати «Заря»	82—50
08675	189*)	1,4×2 метрли гилам	84—00
08686	1—200	Кичик будильник	7—50
08699	186*)	1,4×2 метрли гилам	84—00
08702	011*)	1,4×2 метрли гилам	84—00
08739	025*)	Нуқул жундан тўқилган рўмол	20—50
08765	126*)	«Юрюзань» ёки «Саратов» холодильниги	255—00
08779	017*)	Аравачали ИЖ-56К мотоцикли	800—00
08790	150*)	1,4×2 метрли гилам	84—00
08810	037*)	Нуқул жундан тўқилган рўмол	20—50
08824	194*)	1,4×2 метрли гилам	84—00
08852	018*)	3 метр ғижим духоба	35—70
08853	032*)	1,4×2 метрли гилам	84—00
08880	102*)	Тикадиган қўл машина	58—30
08902	161*)	Тикадиган оёқ машина	87—50
08920	138*)	3 метр ғижим духоба	35—70
08937	122*)	3 метр ғижим духоба	35—70
08960	155*)	1,4×2 метрли гилам	84—00
08966	076*)	Тикадиган қўл машина	58—30
08969	088*)	1,4×2 метрли гилам	84—00
08978	047*)	1,4×2 метрли гилам	84—00
08981	109*)	Кир ювадиган машина	75—00
08985	096*)	3 метр ғижим духоба	35—70
09009	176*)	Кир ювадиган машина	75—00
09034	046*)	«Рекорд» телевизори	210—00
09035	129*)	«Юрюзань» ёки «Саратов» холодильниги	255—00
09042	093*)	Кир ювадиган машина	75—00
09048	088*)	Моторли велосипед	150—00
09052	074*)	Аравачали ИЖ-56К мотоцикли	800—00
09062	063*)	3 метр ғижим духоба	35—70
09065	065*)	1,4×2 метрли гилам	84—00
09090	050*)	3 метр ғижим духоба	35—70
09107	171*)	Тикадиган оёқ машина	87—50
09114	024*)	1,4×2 метрли гилам	84—00
09119	016*)	Моторли велосипед	150—00
09122	027*)	Тикадиган қўл машина	58—30
09138	118*)	Тикадиган оёқ машина	87—50
09189	065*)	3 метр ғижим духоба	35—70
09194	028*)	Нуқул жундан тўқилган рўмол	20—50
09207	053*)	1,4×2 метрли гилам	84—00
09219	170*)	3 метр ғижим духоба	35—70
09229	178*)	1,4×2 метрли гилам	84—00
09231	197*)	3 метр ғижим духоба	35—70
09233	092*)	Нуқул жундан тўқилган рўмол	20—50
09247	015*)	1,4×2 метрли гилам	84—00
09256	067*)	«Чайка» пилесоси	42—50
09261	048*)	Тикадиган қўл машина	58—30
09289	152*)	1,4×2 метрли гилам	84—00
09327	160*)	Пианино	526—50
09329	195*)	«Юрюзань» ёки «Саратов» холодильниги	255—00
09363	013)	3 метр ғижим духоба	35—70
09367	086*)	«Юрюзань» ёки «Саратов» холодилниги	255—00
09380	109*)	3 метр ғижим духоба	35—70
09402	135*)	3 метр ғижим духоба	35—70
09411	200*)	3 метр ғижим духоба	35—70
09419	173*)	Редукторли вентилятор	10—20
09452	012*)	1,4×2 метрли гилам	84—00
09457	044*)	Тасвирий санъат асари	70—00
09460	071*)	Кир ювадиган машина	75—00
09470	069*)	Нуқул жундан тўқилган рўмол	20—50
09471	136*)	Моторли велосипед	150—00
09501	149*)	«Чайка» пилесоси	42—50
09502	091*)	1,4×2 метрли гилам	84—00
09507	133*)	3 метр ғижим духоба	35—70
09541	191*)	«Юрюзань» ёки «Саратов» холодильниги	255—00
09548	063*)	1,4×2 метрли гилам	84—00
09551	054*)	1,4×2 метрли гилам	84—00
09571	093*)	1,4×2 метрли гилам	84—00
09580	115*)	«Юрюзань» ёки «Саратов» холодильниги	255—00
09595	088*)	3 метр ғижим духоба	35—70
09601	1—200	3 метр гилам поёндоз	33—60
09614	053*)	«Юрюзань» ёки «Саратов» холодильниги	255—00
09615	032*)	3 метр ғижим духоба	35—70
09618	055*)	3 метр ғижим духоба	35—70
09645	136*)	1,4×2 метрли гилам	84—00
09661	164*)	3 метр ғижим духоба	35—70
09675	042*)	Кир ювадиган машина	75—00
09697	193*)	«Чайка» пилесоси	42—50
09724	097*)	1,4×2 метрли гилам	84—00
09747	174*)	Нуқул жундан тўқилган рўмол	20—50
09753	187*)	Кир ювадиган машина	75—00
09770	055*)	Кир ювадиган машина	75—00
09784	154*)	«Юрюзань» ёки «Саратов» холодильниги	255—00
09792	099*)	«Юрюзань» ёки «Саратов» холодильниги	255—00
09806	193*)	Тикадиган оёқ машина	87—50
09816	093*)	Пианино	526—50
09826	122*)	Нуқул жундан тўқилган рўмол	20—50
09856	122*)	1,4×2 метрли гилам	84—00
09874	158*)	Кир ювадиган машина	75—00
09879	021*)	Тикадиган қўл машина	58—30
09911	058*)	1,4×2 метрли гилам	84—00
09913	154*)	3 метр ғижим духоба	35—70
09923	185*)	3 метр ғижим духоба	35—70
09969	149*)	Кир ювадиган машина	75—00
10023	157*)	Кир ювадиган машина	75—00
10025	186*)	Кир ювадиган машина	75—00
10039	094*)	«Юрюзань» ёки «Саратов» холодильниги	255—00
10041	198*)	1,4×2 метрли гилам	84—00
10066	200*)	1,4×2 метрли гилам	84—00
10124	069*)	Кир ювадиган машина	75—00
10135	022*)	Нуқул жундан тўқилган рўмол	20—50
10138	050*)	«ЯУЗА—5» магнитофони	180—00
10168	113*)	3 метр ғижим духоба	35—70
10171	008*)	Хотин-қизлар олтин қўл соати «Заря»	82—50
10175	1—200	Уч ғилдиракли болалар велосипеди	19—00
10180	027*)	Хотин-қизлар олтин қўл соати «Заря»	82—50
10188	069*)	Кир ювадиган машина	75—00
10194	087*)	Кир ювадиган машина	75—00
10195	019*)	Нуқул жундан тўқилган рўмол	20—50
10219	187*)	3 метр ғижим духоба	35—70
10220	001*)	Кир ювадиган машина	75—00
10227	108*)	Кир ювадиган машина	75—00
10235	057*)	3 метр ғижим духоба	35—70
10243	108*)	Нуқул жундан тўқилган рўмол	20—50
10251	027*)	Кир ювадиган машина	75—00
10253	184*)	3 метр ғижим духоба	35—70
10270	115*)	1,4×2 метрли гилам	84—00
10293	147*)	Кир ювадиган машина	75—00
10302	081*)	1,4×2 метрли гилам	84—00
10305	034*)	3 метр ғижим духоба	35—70
10307	194*)	3 метр ғижим духоба	35—70
10316	162*)	1,4×2 метрли гилам	84—00
10344	195*)	3 метр ғижим духоба	35—70
10349	112*)	Кир ювадиган машина	75—00
10354	190*)	«Юрюзань» ёки «Саратов» холодильниги	255—00
10355	083*)	Кир ювадиган машина	75—00
10362	183*)	3 метр ғижим духоба	35—70
10377	196*)	1,4×2 метрли гилам	84—00
10382	115*)	«Юрюзань» ёки «Саратов» холодильниги	255—00
10392	020*)	«Юрюзань» ёки «Саратов» холодильниги	255—00
10393	053*)	Тикадиган қўл машина	58—30
10394	048*)	3 метр ғижим духоба	35—70
10408	160*)	3 метр ғижим духоба	35—70
10409	054*)	Тикадиган оёқ машина	87—50
10423	200*)	3 метр ғижим духоба	35—70
10429	190*)	1,4×2 метрли гилам	84—00
10448	189*)	3 метр ғижим духоба	35—70
10455	184*)	Кир ювадиган машина	75—00
10462	142*)	1,4×2 метрли гилам	84—00
10465	054*)	1,4×2 метрли гилам	84—00
10467	079*)	Нуқул жундан тўқилган рўмол	20—50
10489	125*)	1,4×2 метрли гилам	84—00
10491	171*)	1,4×2 метрли гилам	84—00
10492	017*)	Кир ювадиган машина	75—00

*) Шу сериядаги билетларнинг қолган 199 номерига 1 сўмдан пул ютуғи чиқди.

Жадвалда учрайдиган «1—200»гача белги шу сериядаги 200 та лотерея билетининг ҳаммасига бир хил ютуқ чиққанлигини билдиради.

ЭСЛАТМА: 1963 йил 1 февралдан тиқув оёқ машиналарининг нархи 11 сўм 50 тийинга арзонлашган. Шунингдек гилам поёндозининг артикули ўзгарганлиги учун нархи 3 сўм 60 тийинга камайган, бу ютуқлар Тошкент шаҳрида тўланаётган вақтда Кооппосилторг базаси ютуқ эгасига эски нарх билан янги нарх ўртасидаги тафовут пулини қўшиб тўлайди. Жойларда яшовчи ютуқ эгаларига бу тафовут пули почта орқали юборилади.

ЮТУҚЛАРНИ ОЛИШ ТАРТИБИ:

1. Ютуқ чиққан лотерея билетининг эгаси хоҳласа, шу буюм ютуғининг қийматини нақд пул билан олиши мумкин.

2. Қиймати 10 сўмгача бўлган пул-буюм ютуқларини республикамизнинг ҳамма шаҳар ва районларидаги давлат савдо ва матлубот кооперацияси магазинларида омонат кассада текширилмасдан туриб берилаверади.

3. Қолган буюм ютуқлари лотерея билетлари омонат кассаларда текширилгандан кейин давлат савдоси ва матлубот кооперацияси магазинларида берилади ёки Ўзбекистон ССР Давлат меҳнат омонат кассалари ва давлат кредити бошқармасининг нарядига биноан Центрособъединенинг Тошкент шаҳридаги Кооппосилторг базаси томонидан юборилади.

4. Ўзбекистон ССР пул-буюм лотереяси билетларига чиққан қиймати 500 сўмгача бўлган ютуқ пулини СССР даги республика, ўлка ва область, шаҳар марказларининг Марказий омонат кассалари ҳам тўлайдилар.

Ана шу омонат кассалари орқали буюм ютуқларини ҳам талаб қилиб олиш мумкин.

5. Бошқа иттифоқчи республикаларда ўтказилган пул-буюм лотереялари билетларини Ўзбекистон ССРнинг ҳамма шаҳарларидаги Марказий омонат кассаларида текшириш ва ютуқларни шу кассалар орқали олиш мумкин.

6. Ютуқ чиққан лотерея билетларини кечи билан 1964 йил 30 июнгача топшириш керак. Шу муддатдан кейин лотерея билетларининг кучи йўқолади ва улар ютуқ тўлаш учун қабул қилинмайди.

Бу жадвал расмий ҳужжат бўлиб, буюм ва пул ютуқлар шу жадвалга қараб тўланади.

Ютуқлар газетанинг навбатдаги сони чиққандан кейин тўлана бошлайди.

Ютуқ тиражини ўтказиш комиссиясининг раиси — Меҳнаткашлар депутатлари Урганч шаҳар Советининг раиси —

Ю. СОТИМОВ.

Ютуқ тиражини ўтказиш комиссияси раисининг ўринбосари — Хоразм область молия бўлимининг мудири —

М. ЎТАРОВ.

Комиссиянинг масъул секретари —

А. ВАССЕРФИРЕР.

ЭЪЛОНЛАР, ТОМОШАЛАР

РАДИО

26 ИЮНДА

Биринчи программа: 8.25 — Концерт (санъат усталари ижросида). 10.10 — Пионер эрталиги. 10.30 — Концерт (чолғу куйларидан). 11.25 — Музика алифбеси (рус тилида). 12.25 — Концерт (эстрада артистлари ижросида). 13.30 — Қўшиқлар. 15.30 — Ўзбекистоннинг музика маданияти. 16.10 — «Бобо» (А. Мираҳмедов ҳикояси, ўзбек тилида). 16.30 — М. Равель. «Болеро». 18.30 — А. Ленский. «Ленин ҳақида кантата». 19.20 — Концерт (қозоқ куйларидан). 20.00 — Жаҳон хотин-қизлари конгресси (Москва). 20.30 — Механизаторлар радиоперекличкаси. 20.45 — Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг 60 йиллигига (ўзбек тилида). 22.10 — «Коммунист» (ёзувчи Саид Аҳмад ҳикояси, ўзбек тилида). 22.30 — Г. Мушель «Кашмир қиссаси» балети. 23.15 — «Ватанимизни шарафлаймиз» (концерт).

Иккинчи программа: 19.00 — Адабий эшиттириш (ўзбек тилида). 19.30 — Романслар. 20.10 — Дам олиш концерти. 20.45 — Ўрта Осиё иқтисодий районида. 21.00 — Концерт (тожик халқ куйларидан). 21.30 — Концерт (корейс куйларидан).

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

26 ИЮНДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 18.00 — **Қизил галстук** телевизион журнали. 18.45 — **Телевизион янгиликлар.**

Рус тилида: 19.05 — **Телевизион янгиликлар.** 19.25 — **Здоровье** телевизион журнали. 20.05 — **Танга** номли телевизион фильм.

Ўзбек тилида: 21.35 — **Сахий ёз келмоқда** (қишлоқ хўжалик ходимлари учун). 21.55 — **Қўшиқ ва ҳаёт.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 дан — **Фрунзе телестудияси эшиттиришлари.**

ТЕАТР

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (ёзги бино) — гастролга чиқиш олдидан — 26/VI да **Нодира**, 27/VI да **Ишқинг билан.**

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА:

Калимантанда узилган ўқ — «ИСКРА» (кеч соат 6.35 минутдан), «ВАТАН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Йўқлаб олинг (эрталаб соат 10, кундуз 12, 2 ва 4 да). **Олтин ўтов** (кеч 6, 8 ва 10 да) — «МИР».

Жазирама — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқуруни).

Этик ови — «ДРУЖБА» (2-зала), «ЕШ ГВАРДИЯ» (кундуз ва кечқуруни).

ЧП (Фавқулодда ҳодиса, 1 ва 2-серия, эрталаб соат 10, кундуз 4 ярим ва кеч 10 да), **Римлик журналист** (кундуз 2 ва кеч 7 да) — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ».

Мен, бувим, Илико ва Илларион — «ДРУЖБА» (1-зала), «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқуруни). «ИСКРА» (кеч соат 6-35 минутгача).

Тўрт юран (жуфт соатларда), **Етти азамат** (тоқ соатларда) — «СПУТНИК».

Етти энага — «ЮЛДУЗ» (кундуз ва кечқуруни).

Петербург кечаси — «МОСКВА» (кундуз ва кечқуруни).

Капрон тўр — «ВАТАН» (эрталаб соат 10, 11 ярим, кундуз 1 ва кеч 10 да), «ВОСТОК» (тоқ соатларда).

Тинч Дон (3-серия) — «ВОСТОК» (кеч соат 6 ва 8 да.

ЁЗГИ БИНОДА:

(Сеанслар кеч соат 9 ва 10-40 минутда)

Кўк ўқ — «ВАТАН».

Турли тақдир — НАВОИЙ номли.

Мен, бувим, Илико ва Илларион — «ФЕСТИВАЛЬ».

Римлик журналист — ТЕЛЬМАН номли, «ПОБЕДА», КАФАНОВ номли.

Иккн жаноб «Н» — «САЛЮТ».

Ҳамкасблар — «1 МАЙ».

Йўқлаб олинг — «МЕҲНАТ».

Болали уй — СТЕПАН РАЗИН номли.

Жазирама — «ХЕВА», «ПАХТАКОР».

Алангали йиллар қиссаси — «ШАРҚ».

Диссертация ёқлайдилар

1963 йил 5 июль эрталаб соат 10 да, Ижтимоий фанлар бўлимининг бирлашган илмий совети мажлисида (Навоий кўчаси, 55-а уй, ижтимоий фанлар институтларининг конференц-зали) **Р. Х. Аминова** тарих фанлари доктори деган илмий даражани олиш учун: «Совет ҳокимиятининг Ўзбекистондаги аграр сиёсати (1917-1920 йиллар)» деган темада.

1963 йил 5 июль кундуз соат 2 да, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси физика-математика фанлари бўлимининг бирлашган илмий совети мажлисида (Обсерватория кўчаси, 85-уй, физика-техника институтининг конференц-зали). **А. П. Новиков** физика-математика фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун: «Олмалиқ райони конларида рудалардаги мисни нейтрон активацион каротаж методи билан миқдорий аниқлаш» деган темада.

Диссертациялар билан Фанлар академияси кутубхонасида танишиш мумкин (А. Тўқаев кўчаси, 1-уй).

ТОШКЕНТ ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ТЕХНИКУМИ

1963/64 ўқув йилида **аэрология, агрометеорология, гидрология, метеорология ихтисосларига** (I ва III курсларга)

ўқувчилар

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Техникум ҳузурида қатнаб ўқийдиган ва сиртқи бўлимлар бор.

Техникумга умумий тартибда қабул қилинади.

Ҳужжатлар ҳозирдан 31 июлгача қабул қилинади, кириш имтихонлари 1 августдан 20 августгача ўтказилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар-19, Туркқўрғон кўчаси, 45-уй.

Дальневосточная кўчаси, 13- уйда турувчи **Всеволод Сергеевич Поповнинг** Боткин кўчаси, 107- уйда турувчи Нина Ивановна Лазаревадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Куйбишев район халқ судида кўрилади.

Қолон кўчаси, Бостирма тупик, 12-уйда турувчи **Файруза Қорабоева (Зайнулина)нинг** Навоий кўчаси, Феруза проезд, 17-уйда турувчи Тешабой Қорабоевдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ судида кўрилади.

ЛЕНИНГРАД, АДЛЕР, СОЧИ, СИМФЕРОПОЛГА БОРУВЧИ ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент-пассажир станцияси вокзалининг олдиндан билет сотувчи ва кеча-кундуз ишлайдиган кассалари: Ленинград, Калинин, Бологое, Малая Вишера, Скуратово, Харьков, Иловайск, Курск, Ростов, Белгород, Лозовой, Синельниково, Запорожье, Мелитополь, Новоалексеевск, Солёное озеро, Жанкой, Симферополь, Кавказская, Белореченская, Туапсе, Лазаревская, Сочи, Адлер станцияларигача бўлган

ТЎҒРИ ПЛАЦКАРТАНИ ТОШКЕНТНИНГ УЗИДАН БЕРАДИЛАР

ва бундай плацкартали кишилар йўлни давом эттириш учун Москва темир йўл кассаларига учрашмайдилар.

Темир йўл билетлари сотиш ва багаж қабул қилиш ишлари Тошкент вокзалининг билет кассалари томонидан бажарилади.

Москва шаҳрига келган пассажир (Москва вокзалидаги кассаларга учрашмасдан) тўппа-тўғри тегишли поездга чиқиб, Тошкентда берилган билетга мувофиқ бемалол ўз ўрнига ўтиради.

Юқорида кўрсатилган станцияларга қатнайдиган поездлар скорий бўлиб, вагонлари купелидир.

Тўғри плацкарталар Тошкент вокзалининг ҳамма кассаларидан берилади. Бирор кассада тўғри плацкарта йўқ дейилса, 26029 дан 26040 гача коммутатор, қўшимча 46-35 ва 48-22 телефон орқали мурожаат қилинсин.

Тўғри плацкарталар Ленинобод, Қўқон, Маргилон, Андижон, Чоржўй, Самарқанд, Термиз, Душанба станцияларида ҳам сотилади.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: «ПРАВДА ВОСТОКА» КУЧАСИ, 26-УЙ.

КОММУТАТОР — 30249, 30250, 30251, 30252, 30253, 30254, 30255, 30256, 30257, 30258. Редакция телефонлари: Секретариат —27283. Партия турмуши — 33469, 27221. Пропаганда — 31226 Саноат, қурилиш ва транспорт — 34780. Совет қурилиши — 33258. Қишлоқ хўжалиги — 27604. Адабиёт ва санъат — 32036, 27221. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34451. Маҳаллий ахборот — 32347. Оммавий ишлар ва хатлар — 29005, 33553. Иллюстрация — 34524. Стенографистка — 27343. Эълонлар — 28142.

«Қизил Узбекистон», «Правда Востока» ва «Узбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р 08317. Индекс 64543. Нашр № 148.